2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 209 (1808), 2026 йил 9 октябрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ОЗАРБАЙЖОН ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 октябрь куни Туркманистондаги “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтган Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг саккизинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этди.



Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов раислигида ўтган саммитда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, етакчилар долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиб, Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболларини кўриб чиқдилар.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида сўнгги йилларда Марказий Осиёда юз берган ижобий ўзгаришларни қайд этди. Ўзбекистон етакчиси таъкидлаганидек, бунда Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари муҳим ўрин тутди.

Президентимиз Марказий Осиёни XXI асрда ривожлантириш мақсадида Дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани тузиш жараёни якунланганининг тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Минтақавий жараён доирасида катта ва мураккаб тузилмаларни ташкил этишга интилиш йўқлиги қайд этилди.

— Бизга кучли, суверен ва мустақил давлатлар ўзаро ҳурмат, ишонч ва прагматизм асосида ҳамкорлик қиладиган мослашувчан ва тушунарли формат керак, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг Ўзбекистон етакчиси Марказий Осиё мамлакатлари яқинлашаётган ҳозирги мураккаб халқаро вазиятга қисқача баҳо берди.

— Дунё шиддат билан ўзгариб, кескинлик кучаймоқда, савдо ва транспорт алоқалари қайта шаклланмоқда, янги хатарлар пайдо бўлмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу боис, ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишлари бўйича келгусидаги қўшма фаолиятни янада яқинроқ мувофиқлаштириш аҳамияти кўрсатиб ўтилди.

Аввало, тарихий, иқтисодий ва транспорт алоқалари мавжуд минтақалар билан ягона ҳамкорлик маконини шакллантириш ғояси илгари сурилди. Пайдо бўлаётган имкониятлардан фойдаланиб, бу алоқаларни анча мустаҳкамлаш ҳамда савдо, транспорт, энергетика, саноат ва янги технологияларни биргаликда ривожлантириш бўйича аниқ мазмун билан бойитиш зарурлиги таъкидланди.

Ушбу масалаларни келгуси йили Тошкентда ўтказиладиган “Тинчлик ва барқарор ўзаро боғлиқлик йўлида минтақалараро мулоқот: Марказий Осиё ёндашуви” халқаро конференциясида батафсил муҳокама қилиш таклиф этилди.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ишларини давом эттириш орқали минтақавий мулоқот асосларини мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Иқтисодий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

— Биз ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш бўйича олдимизга жиддий мақсадлар қўйганмиз. Энди бу ўсиш қайси манбалар ҳисобидан таъминланишини белгилаб олишимиз керак, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Йирик лойиҳаларни тезроқ ишга туширишга хизмат қиладиган қўшма саноат ва технологик занжирлар, умумий рақамли хизматлар ҳамда инвестиция механизмларини шакллантириш вазифалари белгилаб берилди.

— Биз бир-биримиз билан оддий савдо қилишнинг ўзи етарли бўлмай қолган босқичга етиб келдик. Якуний маҳсулотни биргаликда яратишимиз керак. “Олти иқтисодиёт — битта маҳсулот” формуласи биз интилишимиз лозим бўлган мақсад моҳиятини яхши ифодалайди, — деди Президентимиз.

Ушбу йўналишни ривожлантириш учун 2027 йилда Хивада Марказий Осиё ва Озарбайжон бизнес форумини ўтказиш, шунингдек, қўшма инвестиция лойиҳаларини молиявий-техник қўллаб-қувватлаш бўйича махсус платформани ташкил этиш таклиф қилинди.

Савдо ва инвестициялар вазирлари кенгашига Ашхободдаги навбатдаги йиғилишида бу масалани батафсил кўриб чиқишни топшириш зарурлиги қайд этилди.

Шундан сўнг минтақа мамлакатларининг замонавий транспорт-логистика тармоғи орқали ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш аҳамияти таъкидланди.

— Биз глобал савдонинг асосий қуруқлик йўналишларидан бирига ва айни пайтда йирик иқтисодий фаоллик марказига айланишимиз мумкин. Бироқ бунинг учун автомобиль ва темир йўллар қуришнинг ўзи етарли эмас. Транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда умумий ёндашув зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йирик лойиҳалар ягона тизим сифатида ишлаши учун уларни мувофиқлаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

— Янги транспорт йўлаклари бўйлаб ишлаб чиқариш корхоналари, логистика ва хизмат кўрсатиш объектлари, саноат зоналари пайдо бўлиши керак. Шунда транспорт йўналиши ўз атрофида иқтисодий фаолликни юзага келтириб, у ўтадиган ҳар бир давлатга анча катта самара келтиради, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу мақсадда Инфратузилмани ривожлантириш бўйича кенгашни ташкил этишни тезлаштириш ва унинг биринчи йиғилишини Ўзбекистонда ўтказиш таклиф қилинди.

Энергетика соҳасига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Минтақа углеводородлардан тортиб, гидроэнергетика, қуёш ва шамол генерациясигача бўлган турли ресурслар ва катта салоҳиятга эга экани қайд этилди.

“Яшил” ривожланишнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, паст углеродли энергетика салоҳияти бўйича қўшма концепцияни тайёрлаш ташаббуси илгари сурилди. Бу янги генерация қувватларини қуриш, замонавий энергия сақлаш тизимларини ривожлантириш ва янги энергетика йўлакларини яратиш бўйича ишларни яхшироқ мувофиқлаштириш имконини беради.

Сув ресурслари ва иқлим ўзгариши ҳам биргаликда ечим топишни талаб қиладиган йўналишлар сифатида кўрсатилди. Замонавий рақамли мониторинг тизимларини жорий этиш, ирригация тармоқларини модернизация қилиш ва сув тежовчи технологиялардан кенг фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллигини эълон қилишга доир умумий ташаббусни тўлиқ рўёбга чиқаришга чақирилди.

Келгуси йили Ўзбекистон Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилишини инобатга олиб, жамғарма фаолияти самарадорлигини ошириш, янги экологик лойиҳаларни ишга тушириш ва қўшимча молиялаштиришни жалб этиш бўйича устувор вазифалар тақдим этилди.

Афғонистон билан сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари юзасидан минтақа барча мамлакатларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда доимий ва предметли мулоқотни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳавонинг ифлосланиши минтақа мамлакатлари шаҳарлари учун жиддий муаммолардан бири экани таъкидланди. Бунга жавобан Ўзбекистон илгари сурган “Марказий Осиё тоза ҳавоси” халқаро консорциуми фаолиятини минтақа мамлакатларидаги саноат зоналари, агрокластерлар ва транспорт узелларини экологик модернизация қилиш бўйича пилот дастурдан бошлаш таклиф этилди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ОЗАРБАЙЖОН ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ САККИЗИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Сердар Гурбангулиевич!

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Аввало, самимий қабул ва учрашувимизни аъло даражада ташкил этгани учун Туркманистон Президенти, ҳурматли Сердар Гурбангулиевич Бердимуҳамедовга билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Биз яна Каспий соҳилида, Авазада йиғилдик.

Бугунги учрашувимиз алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, биринчи марта қардош Озарбайжон билан биргаликда ўтказилмоқда.

Туркманистоннинг раислигини алоҳида эътироф этмоқчиман. Биз йил давомида минтақавий ҳамкорлик борасида сезиларли ютуқларга ва кўплаб муҳим масалалар бўйича аниқ келишувларга эришдик.

Кўп йиллардан буён мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга улкан шахсий ҳисса қўшиб келаётган туркман халқининг Миллий Етакчиси, ҳурматли Гурбангули Мяликгулиевич Бердимуҳамедовга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Сўнгги йилларда Марказий Осиёда катта ўзгаришлар бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг муҳити ўзгарди. Биз тез-тез учрашиб, масалаларни очиқ муҳокама қилиб, ечимлар топиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлай бошладик.

Бунда бизнинг Маслаҳат учрашувларимиз катта роль ўйнади. Ушбу форматни яратар эканмиз, биз оддий тушунчадан келиб чиқиб иш тутган эдик: Марказий Осиёнинг фаровонлиги ва хавфсизлиги тўғридан-тўғри мамлакатларимиз ўртасидаги ишончга боғлиқдир.

XXI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш мақсадида Дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани тузиш жараёнларининг якунланиши тарихий воқеа бўлди.

Бунда биз улкан ва мураккаб тузилмаларни тузишга интилмаймиз. Бизга кучли, суверен ва мустақил давлатлар ўзаро ҳурмат, ишонч ва соғлом прагматизм асосида ҳамкорлик қиладиган мослашувчан ва тушунарли формат керак.

Айнан ана шундай ёндашув аллақачон ўз натижасини берди. Минтақамиз халқаро майдонда анча ишончли ва сезиларлироқ тарзда намоён бўлмоқда. “Марказий Осиё плюс” форматларига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётгани, шунингдек, ташқи ҳамкорларимиз доираси доимий равишда кенгаяётгани ҳам буни тасдиқлайди.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бизнинг яқинлашувимиз мураккаб бир даврда юз бермоқда. Дунё тез ўзгармоқда, кескинлик ортмоқда, савдо ва транспорт алоқалари қайта қурилмоқда, янги хавф-хатарлар пайдо бўлмоқда. Бундай вазиятда ўз ҳаракатларимизни янада яқинроқ мувофиқлаштириш муҳимдир.

Биз келгусидаги биргаликдаги фаолиятимиз учун муҳим, деб ҳисоблайдиган бир нечта йўналишга тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи. Марказий Осиё ва қўшни минтақалар ўртасидаги ҳамкорликнинг навбатдаги босқичини белгилаб олишимиз керак.

Амалда биз тарихий, иқтисодий ва транспорт алоқаларига эга бўлган ягона ҳамкорлик маконини шакллантиришимиз мумкин. Бугун уларни янада мустаҳкамлаш ва аниқ мазмун билан бойитиш имконияти пайдо бўлмоқда. Бу ерда сўз мамлакатларимиз биргаликда савдо, транспорт, энергетика, саноат ва янги технологияларни ривожлантириши мумкин бўлган улкан макон ҳақида бормоқда.

Ушбу масалаларни биз келгуси йилда Тошкентда ўтказадиган “Тинчлик ва барқарор ўзаро боғлиқлик йўлидаги минтақалараро мулоқот: Марказий Осиё ёндашуви” деб номланган халқаро конференцияда батафсил муҳокама қилишни таклиф этамиз.

Иккинчи. Минтақавий мулоқотимиз қуриладиган асосни мустаҳкамлашимиз керак.


Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттиришни таклиф этамиз.

Бунда фақат ҳужжатлар сони ўз-ўзидан ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Энг муҳими, қабул қилинган қарорлар бажарилиши ва натижа бериши керак.

Учинчи. Иқтисодий ҳамкорлик янги даражага кўтарилиши керак.

Биз ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажмининг ўсиши бўйича ўз олдимизга жиддий мақсадлар қўйганмиз. Энди бу ўсиш ниманинг ҳисобига таъминланишини белгилаб олиш зарур.

Давоми 2-бетда



ИҚТИСОДИЁТНИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ МОДЕЛИГА ЎТКАЗИШ

УЧИНЧИ МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ ФАЛСАФИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллик тарихий шодиёнасида давлатимиз раҳбари мамлакатимиз тараққиётининг янги саҳифасини очиб берди. Келгуси ўн йиллик халқимиз ҳаётида шунчаки навбатдаги режа даври эмас, балки “Миллий юксалиш даври” сифатида муҳрланди. Инсон қадрини улуғлаш, унинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган 7 та устувор миллий дастур эълон қилинди.

Ушбу стратегик архитектура ичида фундаментал аҳамиятга эга бўлган йўналиш учинчи миллий дастур — “Юқори технологияли иқтисодиёт” дастуридир. Мазкур дастур мамлакатимизнинг яқин ва узоқ истиқболдаги иқтисодий тафаккури, ишлаб чиқариш маданияти ва халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрнини тубдан ўзгартирувчи тарихий ҳужжатдир. Президентимиз нутқида таъкидланганидек: **“Учинчи миллий дастур — иқтисодиётимизни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш. Бунинг учун келгуси ўн йилда 450 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қиламиз. Иқтисодиётда юқори ўсиш суръатини сақлаган ҳолда 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажми 300 миллиард долларга етказилади, саноатда 2 миллионта юқори даромадли иш ўрни яратилади”.**

Бу дастур нафақат иқтисодий, балки чуқур фалсафий мазмунга ҳам эга: у жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари билан ижтимоий муносабатлари ўртасидаги диалектик боғлиқликни, инсон ва меҳнат моҳиятининг янгича талқинини, шунингдек, тараққиёт концепцияси ўзгаришини мужассам этади.

Давоми 3-бетда



ЎЗЛИККА ҚАЙТИШ – БУЮК ВА ЎЗГАРМАС ЖАРАЁН

6

Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилаётган Муҳим минераллар бўйича минтақавий альянсни шакллантириш ишларини фаоллаштириш, дастлабки қадамлардан бири сифатида Марказий Осиёдаги муҳим минераллар захираларининг ягона рақамли харитасини яратиш таклиф қилинди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 9 октябрь, 209-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ОЗАРБАЙЖОН ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ САККИЗИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Сўз, биринчи навбатда, йирик лойиҳаларни тезроқ ишга тушириш имконини берадиган қўшма саноат ва технологик занжирлар, умумий рақамли хизматлар ва инвестиция механизмлари ҳақида бормоқда. Бунда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича 2035 йилгача мўлжалланган кенг қамровли минтақавий дастур муҳим ўрин тутади. Ушбу ҳужжат минтақанинг асосий устунлиги — умумий географиямиздан фойдаланишда ёрдам берадиган амалий воситага айланиши керак.

Бунинг учун савдо-сотиқ йўлидаги тўсиқларни изчил бартараф этиш, саноат кооперациясини кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни кўпроқ ишга тушириш зарур.

Биз бир-биримиз билан одатдаги савдо-сотиқ қилиш энди етарли бўлмаган даврга етиб келганмиз. Биргаликда якуний маҳсулот яратиш лозим.

“Олти иқтисодиёт — битта маҳсулот” формуласи биз қандай маррага интилишимиз керак эканини яхши ифодалайди.

Бир нечта мамлакат корхоналари ягона ишлаб чиқариш занжирида иштирок этганида, маҳсулотлар биргаликда яратилганида мамлакатларимиз иқтисодиёти ўртасида бутунлай бошқа — одатий товар айирбошлашга қараганда анча мустаҳкам алоқалар пайдо бўлади.

Бу борадаги ишларни ривожлантириш учун 2027 йилда қадимий Хива шаҳрида Марказий Осиё ва Озарбайжон бизнес форумини ўтказишни таклиф этамиз.

Айни пайтда қўшма инвестиция лойиҳаларини молиявий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича махсус платформани яратишни муҳим, деб ҳисоблайман. Йирик ғоялар кўпинча нафақат инвестицияларни, балки жиддий тайёргарлик, экспертиза, тушунарли молиявий воситалар ва қўллаб-қувватлашни ҳам талаб қилади.

Савдо ва инвестициялар вазирлари кенгашига Ашхободда ўтказиладиган навбатдаги мажлисда бу масалани атрофлича кўриб чиқишни топширишни таклиф этаман.

Тўртинчи. Мамлакатларимизни замонавий транспорт ва логистика тармоғи билан боғлашимиз зарур.

Минтақамиз глобал савдонинг қуруқликдаги энг муҳим йўналишларидан бирига ва айни пайтда иқтисодий фаолликнинг йирик марказига айланиши мумкин. Аммо бунинг учун фақат йўл ва темир йўллар қуришнинг ўзи етарли эмас.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича умумий мантиқ зарур. Йўналишлар бир-бирини давом эттириши ва ягона тизим сифатида ишлаши учун йирик лойиҳаларни ўзаро мувофиқлаштириш лозим.

Янги транспорт йўлаклари бўйларида ишлаб чиқариш, логистика ва хизмат кўрсатиш объектлари, саноат зоналари пайдо бўлиши керак. Ана шунда транспорт йўналишлари ўз атрофида иқтисодий тизим яратади ва ушбу йўллар ўтган ҳар бир давлатга анча катта самара келтиради.

Бундай мувофиқлаштирув учун Инфратузилмавий ривожланиш бўйича кенгашни тузишни тезлаштиришни таклиф этамиз. Кенгашнинг биринчи мажлисини Ўзбекистонда ўтказишга тайёрмиз.

Энергетика умумий кун тартибимизда алоҳида ўрин тутади.

Минтақамиз турли ресурсларга эга. Углеводородларнинг катта захиралари ва гидроэнергетика, қуёш ҳамда шамол энергияси бўйича улкан салоҳият мавжуд. Айнан мана шу хилма-хиллик мамлакатларимизга бир-бирини тўлдириш имконини беради. Бундан оқилона фойдаланиб, минтақада энергетикани ривожлантиришга комплекс ёндашиш зарур.

Бу борада “яшил” энергетика тобора катта роль ўйнайди.

Кам углеродли энергетика салоҳияти бўйича қўшма концепцияни тайёрлашни таклиф этамиз. У янги ишлаб чиқариш қувватларини қуриш, энергияни сақлашнинг замонавий тизимларини ривожлантириш ва янги энергетика йўлакларини яратишни яхшироқ мувофиқлаштириш имконини беради.

Сув ва иқлим масалалари биргаликдаги ечимларни талаб қиладиган яна бир йўналишдир.

Сув ресурслари тақчиллиги Марказий Осиё тараққиёти учун тобора жиддий тўсиққа айланмоқда. Иқлим ўзгармоқда, аҳоли сони ўсмоқда, қишлоқ хўжалиги ва инфратузилмага тушаётган босим ортмоқда.

Шунинг учун бизда қанча сув борлиги ва ундан қандай фойдаланилаётганини аниқроқ тушуниб олишимиз зарур. Замонавий рақамли мониторинг тизимлари, ирригация тармоқларини модернизация қилиш ва сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш керак.

Бугунги кунда катта сув йўқотишлари минтақамиз учун жуда қимматга тушмоқда. Айнан шу боис, Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги ҳақидаги умумий ташаббусимизни тўлиқ амалга ошириш муҳим.

Келгуси йилдан бошлаб, Ўзбекистон Оролни қутқариш халқаро жамғармасида раисликни қабул қилиб олади. Биз бу миссияга катта масъулият сифатида қараймиз.

Раислигимиз давридан Жамғарма ишини янада самарали ташкил этиш, янги экологик лойиҳаларни ишга тушириш ва қўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш учун фойдаланиш ниятидамиз.

Сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича Афғонистон билан мулоқотга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу мулоқот доимий ва аниқ мазмунга эга бўлиши, минтақадаги барча мамлакатларнинг манфаатларини ҳисобга олиши шарт.

Ҳавонинг ифлосланиши шаҳарларимиз учун энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Яқинда Ўзбекистон “Марказий Осиё тоза ҳавоси” халқаро консорциумини ташкил этишни таклиф этди. Унинг фаолиятини аниқ қўшма лойиҳа: мамлакатларимиз саноат зоналари, агрокластерлари ва транспорт боғламаларини экологик жиҳатдан модернизация қилиш бўйича пилот дастуридан бошлаш мумкин. Бу муаммони муҳокама қилишдан, атроф-муҳитга босим айниқса катта бўлган жойларда амалий ишга ўтиш имконини беради.

Муҳим минераллар — аҳамияти тез ўсиб бораётган яна бир мавзудир.

Мамлакатларимиз замонавий саноат, энергетика ва янги технологиялар учун зарур бўлган хомашёнинг катта захираларига эга. Бу борада биргаликда ҳаракат қилишимиз муҳим. Ўзбекистоннинг Муҳим минераллар бўйича минтақавий альянсни ташкил этиш борасидаги ташаббуси бўйича ишларни фаоллаштиришни таклиф қиламиз.

Марказий Осиёнинг муҳим минераллар захираларининг ягона рақамли харитасини яратиш бу борада биринчи қадамлардан бири бўлиши мумкин. Бундай ресурс минтақа салоҳияти ҳақида тўлиқроқ тасаввур беради ва халқаро инвесторларга мамлакатларимиз бу йўналишни биргаликда ривожлантиришга тайёр эканини кўрсатади.

Масалаларнинг навбатдаги катта блоки технологик ривожланиш билан боғлиқ.

Сунъий интеллект ва катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлаш аллақачон саноат, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги, таълим, давлат бошқарувини ўзгартирмоқда.

Мамлакатларимиз иқтисодиётининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва келажакда рақобатлаша олиш қобилияти кўп жиҳатдан шу технологияларга боғлиқ бўлади. Шу билан бирга, рақамли лойиҳалар кўпинча йирик инфратузилмавий қурилишга қараганда тезроқ натижага эришиш имконини беради.

Шу боис, мамлакатларимиз имкониятларини бирлаштириш ва Умумий ҳисоблаш инфратузилмасини яратишни бошлашни таклиф қиламиз. Миллий маълумотлар марказларининг ўзаро боғланган тармоғи унинг асоси бўлиши мумкин. Бу ҳисоблаш қувватларидан самаралироқ фойдаланиш, ўзимизнинг рақамли маҳсулотларимизни ривожлантириш ва сунъий интеллект соҳасида йирик лойиҳалар учун шароит яратиш имконини беради.

Бироқ фақат инфратузилманинг ўзи етарли эмас. Биз учун бир вақтнинг ўзида мутахассислар, илмий тадқиқотлар ва кучли технологик компаниялар керак. Шу боис, тармоқ учун кадрларни тайёрлаш бўйича қўшма дастурларни ишга тушириш, илмий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва технологик тадбиркорлик учун кўпроқ имкониятлар яратишни таклиф қиламиз.

Ва ниҳоят, минтақамиз келажаги учун энг муҳим масалалардан бири бу — инсон ресурслари.

Мамлакатларимиз катта демографик салоҳиятга эга. Аҳоли сони ошмоқда, ёшлар кўпаймоқда ва минтақа иқтисодиёти ўн, йигирма, ўттиз йилдан кейин қандай бўлиши кўп жиҳатдан айнан уларнинг таълими ва касбий тайёргарлиги сифатига боғлиқ бўлади.

Шу боис, таълим ва ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамкорлигимизда алоҳида ўрин эгаллаши лозим. Биз келгусида мамлакатларимиз иқтисодиётига қандай мутахассислар керак бўлишини яхшироқ тушуниб олишимиз керак. Бунинг учун талаб юқори бўлган касблар ва компетенцияларнинг минтақавий атласини ишлаб чиқишни таклиф қиламиз. Унда бугунги кунда мутахассислар танқислиги сезилаётган ва яқин йилларда талаб ўсиб борадиган йўналишлар бўйича мамлакатларимизнинг прогноз маълумотларини бирлаштириш мумкин.

Бу университетлар ва касб-ҳунар таълими муассасаларига иқтисодиётнинг реал эҳтиёжларини олдиндан ҳисобга олиш имконини беради.

Истиқболда биз минтақанинг бир нечта мамлакатида бир вақтнинг ўзида амалга оширилаётган аниқ йирик лойиҳалар учун ҳам кадрлар тайёрлай оламиз. Шу тариқа, таълим саноат, транспорт, энергетика, рақамли технологиялар ва бошқа тармоқлар ривожи билан бевосита боғлиқ бўлади.

Муҳтарам давлат раҳбарлари!

Сўнгги йилларда биз кўп нарсага эришдик. Энди бу ўзгаришларни мустаҳкамлаш ва ҳамкорлигимизни келгуси ўн йилликлар давомида барқарор қилиш муҳимдир.

Формула оддий: тараққиёт ва хавфсизлик йўлида бирдамлик ва ишонч.

Биз келгуси авлодларга қандай минтақа қолдиришимиз учун жавобгармиз. У тинч, хавфсиз, иқтисодий жиҳатдан кучли бўлиши ва одамларга муносиб яшаш, меҳнат қилиш, ўқиш ҳамда фарзандларни вояга етказиш имкониятларини бериши керак.

Озарбайжонни Маслаҳат учрашувига раисликни қабул қилиб олгани билан табриклаймиз.

Ишончимиз комилки, Озарбайжон раҳбарлигида форматимиз доирасидаги ишлар қўшимча суръатга эга бўлади, қардошлик ҳамкорлиги эса бирлик, ишонч ва бирдамликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сўзимнинг якунида ҳурматли Сердар Гурбангулиевич Бердимуҳамедовга меҳмондўст Туркманистон заминидаги самимий қабул ва учрашувимиз ажойиб ташкил этилгани учун яна бир бор самимий миннатдорлик билдираман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ОЗАРБАЙЖОН ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ

Бошланиши 1-бетда

Аҳамияти тобора ортиб бораётган яна бир йўналиш — муҳим минераллар. Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилаётган Муҳим минераллар бўйича минтақавий альянсни шакллантириш ишларини фаоллаштириш, дастлабки қадамлардан бири сифатида Марказий Осиёдаги муҳим минераллар захираларининг ягона рақамли харитасини яратиш таклиф қилинди.

Навбатдаги йирик масалалар мажмуи технологик тараққиётга бағишланди.

— Сунъий интеллект ва катта маълумотлар билан ишлаш саноат, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги, таълим ва давлат бошқарувини аллақачон ўзгартирмоқда. Иқтисодиётларимизнинг унумдорлиги ва келажакда рақобатлаша олиши кўп жиҳатдан шу технологияларга боғлиқ бўлади, — деди Президентимиз.

Шу муносабат билан минтақа мамлакатлари имкониятларини бирлаштириш ва ўзаро боғланган миллий маълумотлар марказлари тармоғига асосланадиган умумий ҳисоблаш инфратузилмасини яратишни бошлаш таклиф этилди.

Одамлар минтақанинг келажагини белгиловчи энг муҳим омил экани таъкидланди.

— Мамлакатларимиз катта демографик салоҳиятга эга. Аҳоли сони ўсмоқда, ёшлар кўпаймоқда. Ўн, йигирма, ўттиз йилдан кейин минтақа иқтисодиёти қандай бўлиши кўп жиҳатдан уларнинг таълими ва касбий тайёргарлиги сифатига боғлиқ, — деди давлатимиз раҳбари.

Келгусида минтақа мамлакатлари иқтисодиётига қандай мутахассислар керак бўлишини таҳлил қилиш асосида талаб юқори бўлган касблар ва компетенцияларнинг минтақавий атласини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Унда бугуннинг ўзида мутахассислар етишмаётган ва яқин йилларда талаб ортиши кутилаётган йўналишлар бўйича прогнозларни жамлаш назарда тутилмоқда.

Шу асосда университетлар ва профессионал таълим муассасалари иқтисодиётнинг ҳақиқий эҳтиёжларини олдиндан ҳисобга олиб, саноат, транспорт, энергетика, рақамли технологиялар ва бошқа тармоқлардаги йирик лойиҳалар учун кадрлар тайёрлай олади.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг якунида сўнгги йилларда кўп нарсага эришилганини таъкидлади. Энди бу ютуқларни мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорликни ўн йиллар давомида барқарор ривожланадиган тизимга айлантириш муҳим.

— Формула оддий: ҳамжиҳатлик ва ишонч — тараққиёт ва хавфсизлик йўлида. Биз келгуси авлодларга қандай минтақани қолдиришимиз учун масъулмиз. У тинч, хавфсиз, иқтисодий жиҳатдан кучли бўлиши, одамларга муносиб яшаш, ишлаш, ўқиш ва фарзанд тарбиялаш имкониятини бериши керак, — деди Ўзбекистон Президенти.

Саммитда Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон етакчилари ҳам сўзга чиқдилар. Давлат раҳбарлари учрашув якунлари бўйича Қўшма баёнотни қабул қилдилар ҳамда бир қатор кўп томонлама тартибга солувчи ҳужжатларга оид қарорни имзоладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Сердар Бердимуҳамедовни Туркманистон мустақиллигининг 35 йиллиги ҳамда Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги самарали раислиги билан табриклади.

Ўзбекистон — Туркманистон стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ижобий суръати мамнуният билан қайд этилди. Йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда, “Шовот — Тошовуз” чегараолди савдо зонаси муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ўзаро савдо ҳажмини бир неча баробар ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ҳамда саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги каби соҳаларда Кооперация дастурини қабул қилиш ва уни икки мамлакат ҳудудлари даражасида ҳам амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини тузиш тўғрисидаги битим имзоланди. Мазкур ҳужжат сиёсий мулоқотни янада чуқурлаштириш ҳамда устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам институционал асос яратади.

Авазадаги тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Арманистон кўп қиррали муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Турли даражаларда фаол алоқалар йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди. Яқинда икки мамлакат ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилди.

Ўзаро савдо ҳажми ортиб бормоқда, мамлакатимизда Арманистон сармояси иштирокида 80 та корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда. Пойтахтлар ўртасида тўғридан-тўғри авиақатнов йўлга қўйилган.

Қишлоқ хўжалиги, заргарлик, енгил саноат, фармацевтика, кимё ва туризм соҳаларида кооперация лойиҳаларини илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Бу борада Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва қўшма ишбилармонлик тадбирларини самарали ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Томонлар халқаро аҳамиятга молик масалалар ва кўп томонлама ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ҳам муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари делегациялари раҳбарлари билан биргаликда Туркманистоннинг “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида ташкил этилган миллий таомлар фестивалига ташриф буюрди.

Фестивалда тўққиз мамлакат — Ўзбекистон, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Туркманистоннинг пазандачилик анъаналари намойиш этилди.

Ўзбекистон стендида меҳмонлар юртимизнинг турли ҳудудларига хос нон ва пиширириқлар, қандолат маҳсулотлари ҳамда қуритилган мевалар билан танишдилар. Уларга новвойликнинг кўп асрлик анъаналари ҳақида сўзлаб берилди. Ошпазлар сомсанинг бир неча турини, шунингдек, шивит оши ва тухумбарак каби Хоразм таомларини тайёрлаш, нон ёпиш жараёнларини намойиш этдилар. Ўзбек паловининг турли хиллари ва миллий ошхонамизнинг бошқа таомлари ҳам меҳмонлар эътиборига ҳавола қилинди.

Экспозициядан халқ ҳунармандчилиги намуналари ҳам ўрин олди. Риштон, Бухоро, Марғилон ва Самарқанд ҳунармандлари ўз маҳсулотлари ҳамда уларни тайёрлашнинг анъанавий усулларини намойиш этдилар. Миллий куй-қўшиқлар ва рақслар фестивалга байрамона руҳ бағишлади.

Делегациялар раҳбарлари Ўзбекистон стенди билан танишгач, фестивалнинг бошқа миллий экспозицияларини кўздан кечирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МУШТАРАК ТАРАҚҚИЁТ АРХИТЕКТУРАСИ ВА ЕВРООСИЁ МАРКАЗИДА ЯНГИ ГЕОСТРАТЕГИК МУВОЗАНАТ

Бугунги шиддат билан ўзгараётган ва геосиёсий қарама-қаршиликлар тобора кескинлашаётган мураккаб дунёда жаҳон харитасининг марказида мутлақо янги, бирдам ва изчил ривожланаётган минтақавий муҳит шаклланиб бормоқда. Туркманистонда бўлиб ўтган Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг саккизинчи Маслаҳат учрашуви ана шу тарихий трансформациянинг яққол исботи ва янги амалий босқичи бўлди.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан асос солинган ушбу олий даражадаги мулоқот шакли қисқа вақт ичида нафақат ягона геосиёсий маконни жипслаштирди, балки Жанубий Кавказнинг стратегик локомотиви бўлмиш Озарбайжонни ҳам қамраб олган муҳим ва мустақил марказга айланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг навбатдаги Маслаҳат учрашувида сўзлаган концептуал нутқи ва илгари сурган кенг кўламли ташаббуслари халқаро жамоатчилик ҳамда глобал таҳлилчилар эътиборини яна бир бор ушбу минтақага қаратди. Ўзбекистон раҳбари ғоялари “тараққиёт ва хавфсизлик йўлида бирдамлик ва ишонч” формуласи воситасида Евроосиёнинг ушбу йирик ҳудудини жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатининг ажралмас, рақобатбардош қисмига айлантиришни мақсад қилган.

Ушбу прагматик сиёсат ва очиқ дипломатия Президент Шавкат Мирзиёев томонидан сўнгги йилларда тизимли ва изчил равишда амалга оширилаётган, қатъий ва узоқни кўзлаган ташқи сиёсий стратегиянинг мантиқий давомидир. Эслаш жоизки, айнан Ўзбекистоннинг янгича очиқлик ва яхши қўшничилик курси сабаб минтақада ўнлаб йиллар давомида ҳал этилмай келинган чегара, сув-энергетика ва транспорт соҳасидаги мураккаб муаммолар тинч мулоқот ва ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш йўли билан ўз ечимини топди.

Минтақалараро савдо айланмаси бир неча баробарга ортди, саноат кооперацияси бўйича мисли кўрилмаган қўшма лойиҳалар ишга тушди. Шу билан бирга, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли ва Трансафғон йўлаги каби муҳим транспорт артериялари минтақани жаҳон океанлари ва энг йирик бозорларга боғлашда стратегик қадам бўлди.

Ана шу сермаҳсул ва амалий натижалар шароитида Маслаҳат учрашувида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган янги ташаббуслар минтақавий интеграцияни сифат жиҳатидан мутлақо юқори босқичга олиб чиқди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиё ва қўшни минтақалар ўртасидаги ҳамкорликнинг янги истиқболларини 2027 йил Ўзбекистон пойтахтида “Тинчлик ва барқарор ўзаро боғлиқлик йўлидаги минтақалараро мулоқот: Марказий Осиё ёндашуви” деб номланган халқаро конференцияда батафсил муҳокама қилишни таклиф этди.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё ва Жанубий Кавказни ягона, мустаҳкам ва ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий ва транспорт-логистика маконига айлантириш ғоясини илгари сурди. Бу таклиф товарлар, хизматлар ва капиталнинг эркин ҳаракатланишига тўсиқ бўлаётган тариф ҳамда нотариф чекловларни босқичма-босқич бекор қилиш, божхона ва транзит тартиб-қоидаларини тўлиқ рақамлаштиришни назарда тутади.

Шунингдек, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мутлақо янги ғоя — “олти иқтисодиёт — битта маҳсулот” формуласи қардош давлатлар интилиши лозим бўлган юксак марра сифатида таърифланди.

Айниқса, Каспий орқали Марказий Осиёни Озарбайжон ва Европа билан боғлайдиган Транскаспий мультимодаль маршрутини (“Ўрта коридор”) янада кенгайтириш, ушбу йўналиш бўйлаб замон талабларига жавоб берадиган логистика хабларини барпо этиш ва “яшил” энергетика соҳасидаги салоҳиятни бирлаштиришга оид таклифлар халқаро савдо хавфсизлиги нуқтаи назаридан жуда юқори баҳоланмоқда.

Муқобил логистик йўлакларга эҳтиёж ортган ҳозирги шароитда Марказий Осиё ва Озарбайжоннинг муштарак транспорт тармоғи Евроосиёнинг энг ишончли ва жозибадор кўпригига айланмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президенти минтақада мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликни таъминламасдан туриб, барқарор тараққиётга эришиб бўлмаслигини алоҳида уқтирди. Киберхавфлар, терроризм, экстремизм ва иқлим ўзгариши каби замонавий таҳдидларга қарши мувофиқлаштирилган жамоавий курашиш, шунингдек, қўшни Афғонистонни минтақавий иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларга чуқурроқ жалб этиш зарурлиги қайд этилди. Бу ёндашув Марказий Осиё давлатларининг ташқи хавф-хатарларга нисбатан бардошлилигини ошириш ва халқаро майдонда ягона, жипслашган субъект сифатида намоён бўлишига хизмат қилади.

Саммитда инсон капитали ва келажак авлод масаласига ҳам алоҳида урғу берилди. Аҳолиси жадал ўсаётган ва асосий қисмини ёшлар ташкил этадиган ушбу кенг минтақа учун рақамли технологиялар, инновациялар, академик ва маданий алмашинувларни кенгайтириш, шунингдек, Марказий Осиё ва Озарбайжон ягона туризм маконини шакллантириш бўйича илгари сурилган ғоялар халқлар ўртасидаги тарихий, маънавий ва дўстона ришталарни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи ва ташаббуслари негизида келажак авлодларга хавфсиз, иқтисодий жиҳатдан кучли ва одамларга муносиб яшаш имкониятини берадиган маконни барпо этишдек теран бир ҳақиқат ва юксак масъулият ифода этилган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Маслаҳат учрашувида илгари сурган концептуал ташаббуслари Марказий Осиё ва Озарбайжон халқларининг халқаро майдондаги мавқеини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқадиган, Евроосиёнинг марказида тинчлик, барқарорлик ва умумий фаровонликни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшадиган муҳим узоқ муддатли “Йўл харитаси”дир.

Садриддин СУЯРОВ
“Дунё” АА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz.uz_

2026 йил 9 октябрь, 209-сон

Учинчи миллий дастур — иқтисодиётимизни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш.



Буюк ўзбек йўли

ИҚТИСОДИЁТНИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ МОДЕЛИГА УТКАЗИШ

УЧИНЧИ МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ ФАЛСАФИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ



Исмоил САИФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Тарихий-фалсафий контекст: технологик уклад алмашинуви муаммоси

Ҳар қандай иқтисодий ислоҳотнинг замирида муайян фалсафий концепция ётади. Узоқ йиллар давомида ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти кўпроқ арзон ишчи кучи, табиий бойликлар (газ, пахта, металл) ва экстенсив (сон жиҳатдан кенгайиш) омилларига таянди. Аммо XXI асрнинг учинчи ўн йиллигида бу модель ўз умрини ўтаб бўлди. Учинчи миллий дастурнинг бош фалсафаси оддий ва қатъий: **“Бойлик ер остидан эмас, ақл ва технологиядан яратилади”.** Мисолларга мурожаат қилайлик. 1 тонна хомашё пахта ёки қайта ишланмаган мисни сотиш эмас, ундан микрочип, электромобиль бутловчилари ёки юқори технологияли фармацевтика маҳсулоти тайёрлаш қиймат занжирининг юқори поғонасига кўтарилиш демакдир. Паст маошли, оғир жисмоний меҳнатдан юқори қўшилган қиймат яратувчи, автоматлашган ва интеллектуал меҳнатга ўтиш инсоннинг ижтимоий мақомини, ҳаёт сифатини ва даромадини каррали оширади.

Жаҳон иқтисодий тараққиёти тарихига назар ташласак, ҳар бир давр ўзининг етакчи технологик укладига эга бўлганини кўрамиз. Саноат инқилоблари — буғ машинасидан тортиб, то рақамли технологияларгача — жамият тузилишини, меҳнат тақсимотини, ҳатто инсоннинг ўзлигини англаш тарзини ҳам тубдан ўзгартирган. Файласуфлар бу жараённи турлича баҳолаган: кимдир ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий муносабатларни белгилашини кўрсатган бўлса, постиндустриал жамият назариётчилари (Д.Белл, Э.Тоффлер) билим ва ахборотнинг асосий капиталга айланишини таъкидлаган.


Бугунги кунда дунё тўртинчи саноат инқилоби даврини бошдан кечирмоқда — сунъий интеллект, робототехника, катта маълумотлар (big data), рақамли платформалар иқтисодий тизимнинг марказий ўзагига айланмоқда. Бу шароитда мамлакатларнинг рақобатбардошлиги энди табиий ресурслар ёки арзон ишчи кучи эмас, балки интеллектуал капитал, инновацион салоҳият ва меҳнат унумдорлиги билан белгиланмоқда.

Ана шу глобал тенденция фонида Ўзбекистоннинг иқтисодиётни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш қарори тасодифий эмас — бу тарихий зарурат, миллий тараққиётнинг объектив мантиқий давомидир. Инсон қадрини юксалтириш ғояси давлат сиёсатининг марказий концепцияси сифатида айнан шу нуқтада иқтисодий фаолиятнинг мазмуни билан туташади: чунки инсон қадри, аввало, унинг муносиб, юқори унумли ва муносиб ҳақ тўланадиган меҳнат билан бандлигида намоён бўлади.

Моҳият ва асосий йўналишлар

Президентимиз нутқида белгиланган учинчи миллий дастурнинг таркибий қисмларини, энг аввало, хорижий инвестицияларни жалб этиш миқёси нуқтаи назаридан тавсифлаш мумкин. Келгуси ўн йилликда 450 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш режалаштирилган. Бу рақамнинг аҳамиятини тушуниш учун ўтган давр тажрибасига мурожаат қилайлик. Президентимиз таъкидлаганидек: **“Илгари иқтисодиётимизга йилига 2-3 миллиард доллар хорижий инвестиция олиб келинган бўлса, ҳозирги пайтда 40-50 миллиард доллар чет эл сармояси жалб қилинмоқда”.** Демак, сўнгги йилларда йиллик инвестиция оқими 15-20 баробар ошган. Бу тенденциянинг давом эттирилиши ва янада кучайтирилиши натижасида белгиланган 450 миллиард долларлик кўрсаткичга эришиш мумкин бўлади. Бу шунчаки миқдорий кўрсаткич эмас, балки мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви даражасининг сифат жиҳатидан ўзгариши демакдир.

Дастур қуруқ шиорлардан иборат эмас, у аниқ иқтисодий кўрсаткичлар ва ҳисобкитобларга таянади. Унда белгиланган асосий кўрсаткичлар 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмини 300 миллиард долларга етказиш, саноат тармоғида 2 миллионта юқори даромадли иш ўрни яратиш, келгуси ўн йилликда жон бошига ялпи ички маҳсулотни 10 минг доллардан юқори даражага олиб чиқишдан иборат. Бу ерда эътиборли жиҳат шундаки, ушбу режалар олдинги мажбуриятларнинг бажарилиш тажрибасига асосланади. Президентимиз таъкидлаганидек, **уч йил олдин 2030 йилга мўлжалланган 160 миллиард долларлик ЯИМ вазифаси “глобал логистикадаги узилишлар, дунёдаги нотинч вазиятга қарамасдан... шу йилнинг ўзида ортиғи билан амалга оширилади”.** Демак, янги, янада юксак марралар реал ижро тажрибасидан келиб чиққан ҳолда белгиланмоқда, бу эса стратегик режалаштириш илмий асосланганидан далолат беради. Учинчи миллий дастур иқтисодий двигателни ишга туширишда уч асосий таянч нуқтага асосланади. **Биринчиси,** стартап лойиҳалар. Энди инновациялар лабораторияларда чанг босиб ётмайди. Ёшларнинг технологик ғояларини тижоратлаштириш, инкубация ва акселерация марказлари орқали уларни глобал бозорларга чиқариш янги миллий сиёсат даражасига кўтарилмоқда. **Иккинчиси,** венчур сармоя. Иқтисодиётда юқори технологиялар анъанавий банк кредитлари билан ривожланмайди — бу ерда таваккалчиликни ўз зиммасига олувчи венчур фондлар керак. Давлат ва хусусий венчур капитали бирлашиб, энг илғор ғояларни миллионлаб долларлик технологик лойиҳаларга айлантиради. **Учинчиси,** сунъий интеллект (СИ) инқилоби. Бугун СИ шунчаки АТ соҳа эмас, балки давлат бошқаруви, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва оғир саноатнинг самарадорлигини белгиловчи бош қуролдир. СИ тизимларини ишлаб чиқариш ва кундалик хизматларга жорий этиш меҳнат унумдорлигини 30-40 фоиз оширишга хизмат қилади.





Дастурнинг сифат жиҳатидан энг муҳим қирраси “ёшларимизнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришда стартап, венчур ва сунъий интеллектни ривожлантириш устувор йўналишга айланиши”дир. Бу иқтисодий тараққиётнинг манбаини қайта белгилаш демакдир. Агар анъанавий моделда тараққиёт манбаи асосан капитал ва меҳнат сарфи ҳисобланса, янги моделда у билим, ижодкорлик ва инновация билан алмаштирилади. Бу ерда давлатимиз раҳбари томонидан бошқа ўринда билдирилган ғоя — “АТ, сунъий интеллект, креатив иқтисодиёт каби йўналишлар ривожига янги руҳ бериб... 10 миллион ёшларимизни рақамли индустрия ва келажак касбларига олиб кириш” учинчи миллий дастур билан узвий боғлиқдир. Демак, таълим соҳасидаги биринчи миллий дастур ва иқтисодий соҳадаги учинчи миллий дастур ўртасида ички мантиқий узвийлик мавжуд: билимли, малакали инсон капитали юқори технологик иқтисодиётнинг зарурий шарти ҳисобланади. Дастурда назарда тутилган яна бир муҳим жиҳат “кичик бизнес — ўрта бизнесга, ўрта корхоналар эса йирик компания ва корпорацияларга айланиши учун яхлит экотизимни йўлга қўйиш”дир. Бу ёндашув тадбиркорлик тараққиётининг табиий, органик босқичларини таъминлашга қаратилган бўлиб, у ҳозирги кунда юртимизда фаолият юритаётган ёш тадбиркорлар салоҳиятига таянади.

Зеро, бугунги кунда Ўзбекистондаги бизнес вакилларининг 35 фоизини ёш тадбиркорлар ташкил этяпти. Дастурнинг номланишида **“меҳнат унумдорлиги”** тушунчаси алоҳида таъкидланиши бежиз эмас. Классик иқтисодий фалсафада меҳнат унумдорлиги бирлик вақт ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизмат ҳажмининг ошиши сифатида тушунилади. Бироқ бу тушунчага фақат техник-иқтисодий маънода қараш унинг чуқур ижтимоий-фалсафий мазмунини камситиш бўлур эди. Меҳнат унумдорлиги ошиши аслида уч ўзаро боғлиқ жараённи англатади. Биринчидан, у инсоннинг меҳнат жараёнидаги ўрнини ўзгартиради — оддий, такрорланувчи, паст малакали меҳнатдан юқори интеллектуал, ижодий меҳнатга ўтишни талаб қилади. Бу маънода технологик тараққиёт инсонни “механик бажарувчи”дан “ижодкор субъект”га айлантириш имконини беради. Иккинчидан, меҳнат унумдорлигининг ошиши ижтимоий адолат масаласи билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Юқори унумли меҳнат юқори даромад демакдир, бу эса аҳоли фаровонлиги ошишига, оқибатда эса камбағаллик қисқаришига хизмат қилади. Президентимиз нутқида келтирилган рақамлар — камбағаллик даражасининг **“2017 йилдаги 35 фоиздан 4 фоизга”** тушганлиги — айнан шу боғлиқликнинг амалий далилидир.

Учинчидан, меҳнат унумдорлиги масаласи миллий ўзликни англаш билан ҳам боғлиқ. Агар мамлакат фақат хомашё етказиб берувчи ёки арзон ишчи кучи манбаи сифатида қолиб кетса, унинг жаҳон тизимидаги мавқеи иккинчи даражали бўлиб қолаверади. Юқори технологик моделга ўтиш эса миллатнинг интеллектуал субъектлик мақомини тиклаш, дунё тараққиётига мустақил ҳисса қўшиш имкониятини яратиш демакдир. Президентимиз ифодасида бу ғоя аниқ кўрсатилган: **“Менинг ниятим: Ўзбекистон технология соҳаларида жаҳонга илғор ташаббусларни таклиф қиладиган марказга айланиши зарур”.**

Яқинда давлатимиз раҳбарининг Оролбўйига ташрифи чоғида Қорақалпоғистонни “яшил” энергетика, интеллектуал иқтисодиёт ва жадал тараққиёт марказига айлантириш борасида билдирган мулоҳазалари ҳам учинчи миллий дастурга уйғун десак, янглишмаган бўламиз.

Мустақилликнинг 35 йиллиги байрами тантаналари давом этаётган шукуҳли кунларда Президентимизнинг Нукус шаҳрида Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган тарихий йиғилишда Оролбўйи эли билан юзма-юз, очиқ ва самимий мулоқоти сўнгги йилларда минтақада амалга оширилаётган туб ўзгаришлар нафақат натижа бераётганини, балки Қорақалпоғистон бугун бутун мамлакатимизнинг энг тез ривожланаётган етакчи иқтисодий локомотивларидан бирига айланганини кўрсатди. Қорақалпоғистонни иқтисодий жиҳатдан оёққа турғазиш мақсадида мисли кўрилмаган преференциялар ва солиқ имтиёзлари берилди. Фойда, ер ва мол-мулк солиқлари 2 баробар, саноат корхоналари учун электр тарифи 15 фоиз пасайтирилди, ижтимоий солиқ эса атиги 1 фоиз этиб белгиланди. Натижада ўтган йили ҳудудга 1 миллиард 700 миллион доллар инвестиция киритилди — бу 2021 йилдагига нисбатан нақд 22 баробар кўпдир. Жорий йилнинг биринчи ярмида Қорақалпоғистон иқтисодиёти 10,2 фоиз ўсиш қайд этиб, ривожланиш суръати бўйича республикада Тошкент шаҳридан кейинги фахрли иккинчи ўринга кўтарилди. Қорақалпоғистоннинг чексиз саҳролари ва кучли шамол салоҳияти мамлакатимизнинг энергетика мустақиллигига хизмат қилмоқда. Ҳудудда сўнгги йилларда 860 МВт. янги қувватлар ишга туширилиб, Беруний ва Қораўзакдаги шамол станциялари ҳисобига “яшил” энергия улуши 23 фоизга етказилди. Электр ишлаб чиқариш 4 баробар ошиб, ҳудуд эҳтиёжидан 3 баробар ортди. Энг муҳими, умумий қиймати 7 миллиард доллар бўлган 47 та янги лойиҳа қурилишига расман старт берилди. 2030 йилга бориб ҳудудда жами 3300 МВт. шамол қувватлари ишга тушади ва Қорақалпоғистон ҳудудида “яшил” энергия улуши 76 фоизга етади. Бу эса минтақани халқаро даражадаги тоза энергия хабига айлантиради.

Минтақанинг географик изоляциясини бузиш ва савдо йўлларини очиш бўйича улкан транспорт лойиҳалари амалга оширилмоқда. Осиё тараққиёт банки иштирокида 384 миллион доллар эвазига А-380 халқаро автомагистралининг Қўнғиротдан ўтган 240 километри тўлиқ сифатли бетон қопламага ўтказилди. Эндиликда Тўрткўл, Элликқалъа ва Берунийдан ўтган яна 92 километрини қуриш бошланди. Натижада транзит салоҳияти 1,5 баробар ошади: юклар Тўрткўлдан Қозоғистон чегарасига 24 соат эмас, атиги 10 соатда етиб боради. Келгуси йил март ойидан бошлаб Тошкент — Нукус тезюрар поезди қатнай бошлайди ва пойтахтдан Нукусгача бўлган йўл вақти 16 соатдан 7 соатгача қисқаради. Тўямўйин тозалаш иншооти реконструкция қилиниб, Қўнғиротдан Мўйноққача 100 километр янги ичимлик сув қувури тортилмоқда.

Қорақалпоғистон эндиликда нафақат саноат ва қишлоқ хўжалиги, балки юқори рақамли технологиялар марказига айлантирилмоқда. Қўнғирот — Қораўзак — Тахиатош йўналиши ҳудуднинг “яшил саноат йўлаги” ва “интеллектуал иқтисодиёт учбурчаги” сифатида ривожлантирилади. Сунъий интеллект ва катта маълумотлар марказлари учун ташкил этилган махсус зонада умумий қиймати 8 миллиард доллар бўлган 6 та лойиҳа амалга оширилади. Келгуси уч йил ичида Нукус, Қўнғирот, Қораўзак ва Тахиатошда 1,5 минг юқори даромадли АТ ва муҳандислик иш ўрни яратилади. Булутли технологиялар ва СИ соҳасидаги йиллик экспорт ҳажми 600 миллион долларга етказилади. Бундан кўзланган мақсад — ислоҳотларнинг бош мезони оддий одамларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришдир.

Нукусдаги тарихий йиғилиш кўрсатдики, бир пайтлар экологик фожиа ва мураккаб шароитлар ҳудуди сифатида қаралган Қорақалпоғистон бугун улкан бунёдкорлик, инвестициявий жозибадорлик ва “яшил” технологик тараққиёт марказига айланди. Президентимиз белгилаб берган янги истиқболлар ва миллиардлаб долларлик мегалойиҳалар Қорақалпоғистон заминини нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг энг қудратли интеллектуал ва индустриал масканларидан бирига айлантириши шубҳасиздир.

Дастурнинг бошқа ҳужжатлар билан ўзаро боғлиқлиги

Илмий-фалсафий таҳлил нуқтаи назаридан муҳим бўлган жиҳат, учинчи миллий дастурни алоҳида, изоляцияланган ҳодиса сифатида эмас, балки бутун тизимнинг таркибий қисми сифатида кўриш зарурлигидир. Жумладан, биринчи миллий дастур (билим ва малакани капиталга айлантириш) юқори технологик иқтисодиёт учун зарур инсон капиталини тайёрлайди. Техникумларда халқаро стандартларни жорий этиш ва “юқори даромадли касбларга ўқитиш” бевосита учинчи дастурнинг кадрлар билан таъминланишига хизмат қилади.

Тўртинчи миллий дастур (сув ва экологияга муносабатни ўзгартириш) юқори технологик тараққиёт барқарорлигини таъминлайди, чунки замонавий иқтисодий ўсиш экологик омилларни инобатга олмасдан узоқ муддатли самара бермайди. Бешинчи миллий дастур (қонун устуворлиги) инвестиция муҳити ишончлилигини, тадбиркорлик кафолатлари мустаҳкамлигини таъминлайди, бу эса 450 миллиард долларлик инвестиция мақсадига эришишнинг зарурий шартидир. Олтинчи миллий дастур (маҳалла — тараққиётнинг асосий буюртмачиси) иқтисодий ўсиш самараси жамиятнинг энг қуйи бўғинигача етиб боришини, яъни тараққиётнинг инклюзив хусусиятини таъминлайди.

Бу ўзаро боғлиқлик кўрсатадики, Президентимиз томонидан таклиф этилган 7 та миллий дастур механик рўйхат эмас, балки диалектик яхлитликка эга бўлган стратегик тизимдир, унда ҳар бир қисм бошқасини тўлдиради ва мустаҳкамлайди.

Кутилаётган натижалар ва уларнинг ижтимоий аҳамияти

Дастур амалга оширилиши жараёнида кутилаётган асосий натижаларни умумлаштириш мумкин. **Биринчидан,** иқтисодий кўламнинг ортиши: ЯИМ ҳажмининг 300 миллиард долларга етказилиши мамлакатимизни минтақада ва жаҳон миқёсида янада мустаҳкам иқтисодий мавқега эга қилади. **Иккинчидан,** меҳнат бозорининг сифат жиҳатидан ўзгариши: 2 миллионта юқори даромадли иш ўрни яратилиши оддий иш ўринлари сони кўпайиши эмас, балки уларнинг сифат тавсифи тубдан ўзгариши демакдир. **Учинчидан,** аҳоли фаровонлиги юксалиши: жон бошига ЯИМнинг 10 минг доллардан ошиши бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистоннинг ўртадан юқори даромадли давлатлар тоифасидан анча олдинга силжишини англатади. **Тўртинчидан,** ёшлар салоҳиятининг рўёбга чиқиши: стартап ва инновацион тадбиркорлик орқали ёш авлодга ўз билими ва қобилиятини амалга ошириш учун кенг майдон очилади. **Бешинчидан,** миллий ўзига хосликнинг мустаҳкамланиши: технологик соҳада мустақил ва ташаббускор мамлакатга айланиш миллий ғурур ва ўзига ишонч ҳиссини кучайтиради.

Қисқаси, учинчи миллий дастур — иқтисодиётни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш — моҳиятан Ўзбекистоннинг жаҳон тараққиёт тарихидаги янги босқичга ўтиш стратегиясидир. Бу дастур орқали давлат нафақат иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашни, балки жамиятнинг ишлаб чиқариш муносабатларини, инсоннинг меҳнатга муносабатини, миллатнинг ўзлигини англаш тарзини ҳам тубдан янгилашни мақсад қилган. Президентимиз таъкидлаганидек: **“Биз ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва буюк келажагимизни биргаликда барпо этамиз!”.** Мана шу бирдамлик ғояси миллий дастурларнинг барчасини, жумладан, иқтисодий тараққиёт дастурини ҳам якка шахс манфаати эмас, балки бутун жамият, бутун миллат манфаати нуқтаи назаридан кўриб чиқишни тақозо этади. Юқори технология ва юқори меҳнат унумдорлиги моделига ўтиш шунчаки иқтисодий сиёсат йўналиши эмас, балки XXI аср шароитида миллат сифатида яшаб қолиш, ривожланиш ва жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшиш йўлидаги тарихий зарурат ва фалсафий танловдир. Бу танлов инсон қадрини иқтисодий тараққиётнинг марказига қўювчи давлат сиёсатининг табиий ва мантиқий давомидир.

Янада аниқроқ айтганда, Ўзбекистоннинг 35 йиллик мустақиллик бекатида эълон қилинган “Юқори технологияли иқтисодиёт” миллий дастури келажак авлодларга қолдириладиган энг мустаҳкам пойдевордир. Биз нафақат янги заводлар қурмоқдамиз, балки жамиятимизнинг тафаккур тарзини янгиламоқдамиз. Ушбу дастурнинг тўлақонли амалга ошиши Ўзбекистонни глобал технологик пойгада шунчаки кузатувчи эмас, балки минтақавий ва қитъалараро инновацион марказга, дунёнинг энг рақобатбардош саноат маконларидан бирига айлантириши шубҳасиздир.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz.uz_news yuz.uz_news

Давлатимиз раҳбари Халқаро пахта куни ҳамда Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига бағишланган халқаро анжуманлар иштирокчиларига йўллаган табригида ҳозирги вақтда иқлим ўзгариши, сув танқислиги, қурғоқчилик каби муаммолар билан бирга логистика занжиридаги узилишлар ҳам озиқ-овқат нархининг ошишига олиб келаётганини таъкидлади. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, айни пайтда дунё бўйича 645 миллиондан ортиқ одам очликдан азият чекмоқда. Халқаро экспертларнинг қайд этишича, тегишли чора-тадбирлар кўрилмаса, 2028 йилда бу рақам 1 миллиардга етиши мумкин.



Жаҳонгир ИСАЕВ,
“Барқарор ривожланиш маркази” ННТ бўлим бошлиғи

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон озиқ-овқат етиштириш, жумладан, сабзавотчилик учун катта табиий ва иқтисодий салоҳиятга эга. Қулай иқлим, деҳончилик анъаналари, катта ички бозор, меҳнат ресурслари, бир йилда икки-уч марта ҳосил олиш имконияти юртимизнинг бу соҳадаги табиий устунлигини белгилайди. Натижалар ҳам салмоқли.

Миллий статистика қўмитасининг дастлабки маълумотларига кўра, 2025 йилда республикада барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 13,7 миллион тонна сабзавот етиштирилди. Бу 2024 йилдагига нисбатан 1,2 фоиз кўп. 2026 йилнинг биринчи чорагида эса иссиқхоналарнинг ўзидан 102 минг тонна сабзавот олиниб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 29 фоиз ўсиш қайд этилди. Бу рақамлар тармоқда ўсиш борлигини кўрсатади.

Лекин энди масалани фақат ялпи ҳосил нуқтаи назаридан баҳолаш етарлими? Агар ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бораётган бўлса, нега бир гектардан олинаётган соф даромад, маҳсулот таннархи, сув самарадорлиги, сақлашдаги йўқотишлар ва кафолатланган сотув даражаси ҳам тармоқ самарадорлигининг асосий мезонларига айланмаслиги керак?

Аслида, сабзавотчиликнинг кейинги тараққиёт босқичи айнан шу саволга берилган жавобга боғлиқ. Ҳосил кўпайиши ҳали самарадорлик дегани эмас. Қишлоқ хўжалигида узоқ йиллар “қанча гектарга экилди?” ва “қанча тонна маҳсулот олинди?” деган кўрсаткичларга устувор аҳамият берилди. Бу рақамлар, албатта, муҳим.

Бироқ фермер нуқтаи назаридан натижанинг бошқа ўлчови ҳам бор: маҳсулот қайси таннархда етиштирилди? Унинг қанчаси сотилди? Қанчаси сақлаш ёки ташиш жараёнида йўқотилди? Мавсум якунида ишлаб чиқарувчининг қўлида қанча соф даромад қолди?

Масалан, ҳосил 20 фоиз кўпайиб, бозор нархи 30 фоиз тушиб кетса, статистикада ўсиш қайд этилади, аммо фермернинг иқтисодий аҳволи яхшиланмаслиги мумкин. Шу сабабли сабзавотчиликда “кўпроқ етиштириш” моделидан “самарали ва даромадли етиштириш” моделига ўтиш вақти келди. Бунинг учун эса ишлаб чиқариш базасининг бир нечта асосий бўғини бир вақтнинг ўзида мустаҳкамланиши лозим.

Барака уруғдан бошланади

Сабзавотчиликнинг биринчи пойдевори — сифатли уруғ. Юқори ҳосилли, маҳаллий иқлим шароитига мос, касаллик ва қурғоқчиликка чидамли нав фермер учун ҳар қандай технологиядан олдинги асосий омилдир.

Картошкачилик мисолида оладиган бўлсак, бу масаланинг нақадар муҳимлигини кўриш мумкин. 2023 йилдаги расмий таҳлилда соҳадаги ўртача ҳосилдорлик пастлиги, элита ва юқори репродукцияли уруғликдан фойдаланиш имкониятлари чеклангани, юқори сифатли уруғлик картошка етиштириш учун майдон, иссиқхона ва сақлаш қувватлари етишмаслиги, айрим касалликларни аниқлаш учун лаборатория базасини кучайтириш зарурлиги қайд этилган эди.

Сўнгги йилларда уруғ сифатини назорат қилиш ва рақамлаштириш бўйича муайян ишлар қилинди. Жумладан, 2026 йилнинг биринчи чорагида уруғлик ва кўчатларга 3 миллион 750 мингдан ортиқ рақамли QR-кодли ёрлиқ берилган. Шундан 616 мингдан зиёди сабзавот ва полиз экинлари уруғи ҳиссасига тўғри келади. Бу муҳим қадам, аммо сифатни назорат қилишнинг ўзи етарли эмас.

Кейинги вазифа — маҳаллий селекция ва уруғчиликнинг бозордаги реал улушини ошириш. Илмий муассаса, уруғчилик хўжалиги ва фермер ўртасидаги занжир натижа бериши керак. Асосий сабзавот турлари бўйича маҳаллий шароитга мос навлар улуши, уларнинг ҳосилдорлиги ва ишлаб чиқарувчи учун иқтисодий самараси очиқ баҳоланиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчи масала — сув. Иқлим ўзгариши ва сув ресурсларига босим кучайиб бораётган бир пайтда сабзавотчиликни фақат майдонни кенгайтириш ҳисобига ривожлантириш имконияти чекланган. Шунинг учун томчилатиб суғориш, тупроқ намлигини аниқ ҳисоблаш, сув билан озиқлантиришни уйғунлаштириш, замонавий агротехника ва рақамли мониторинг энди алоҳида илғор тажриба эмас, тармоқнинг иқтисодий заруратига айланиши керак.

Бироқ фермерга “сув тежовчи технология жорий эт”, дейишнинг ўзи камлик қилади. Унга технологияни танлаш, ўрнатиш ва самарали ишлатиш учун агрономик ҳамда техник хизмат керак. Айниқса, кичик фермер ва деҳқон хўжалиги ҳар бир масала бўйича алоҳида мутахассис ёллаш имкониятига эга эмас. Шу ерда агросервис тизимининг сифати ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Сабзавотчилик бугун тобора илмталаб тармоққа айланмоқда. Тупроқ таркиби, уруғ танлаш, ўғит меъёри, сув бериш вақти, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш, ҳосилни йиғиш муддати — буларнинг ҳар бири якуний таннархга таъсир қилади.

Шу боис, ҳар бир сабзавотчиликка ихтисослашган туманда фермер фойдалана оладиган амалий агросервис нуқтаси бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун янги бюрократик идора ташкил этиш шарт эмас. Илмий муассасалар, агрохизмат марказлари ва лабораторияларнинг имкониятларини бирлаштириш мумкин.

Бозорни экишдан олдин ўрганиш шарт

Сабзавотчиликдаги энг жиддий тизимли масалалардан бири — ишлаб чиқариш билан бозор эҳтиёжи ўртасидаги ахборот узилиши. Фермер бу йил нима экиш ҳақида қарор қабул



қилар экан, кўп ҳолларда ўтган мавсумдаги нарх, шахсий тажриба ёки атрофидагиларнинг танловига таянади.

Ўтган йили бир маҳсулот яхши даромад берган бўлса, кейинги мавсумда уни етиштиришга қизиқиш кескин ошиши мумкин. Кўплаб ишлаб чиқарувчилар бир хил қарор қабул қилса, ҳосил пишганда таклиф ортиб, нарх тушади. Кейинги йили эса аксинча жараён кузатилиши мумкин.

Бу ҳолат бозор иқтисодиётининг табиий қисми. Лекин тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларида ахборот кечикишининг баҳоси жуда қиммат: фермер зарар кўради, маҳсулот нобуд бўлади, истеъмолчи эса нарх тебранишини ҳис қилади.

Шу маънода, 2026 йил майда озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича ўтказилган расмий йиғилишда тегишли идоралар ўртасида ягона маълумотлар базаси шакланмагани ва маҳсулотни етиштиришдан истеъмолчигача кузатиб бориш тизими тўлиқ йўлга қўйилмагани қайд этилди. Демак, муаммо маълумот йўқлигида эмас, балки маълумотнинг тарқоқлиги ва фермер қарорига ўз вақтида айланмаслигида.

Бунинг амалий ечими бор. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги статистика, ҳудудий ишлаб чиқариш режалари, қайта ишлаш корхоналари эҳтиёжи, захира ва савдо маълумотларини бирлаштириб, ҳар мавсум олдидан картошка, пиёз, сабзи, помидор ва бошқа асосий 5-7 маҳсулот бўйича очиқ талаб ҳамда таклиф прогнозини эълон қилиши мумкин.

Бу режали иқтисодиётга қайтиш эмас. Давлат фермерга “шуни экасан”, демайди. У “мана бу маҳсулот бўйича кутилаётган талаб, мавжуд майдон, қайта ишлаш эҳтиёжи ва бозор хавфи шундай” деган ахборотни тақдим этади. Қарорни фермернинг ўзи тахминга эмас, маълумотга таяниб қабул қилади.

Омбор бор. Аммо фермер ундан фойдалана оляптими? Ҳосилни етиштириш — ишнинг ярми. Уни саралаш, совитиш, сақлаш, қадоқлаш, қайта ишлаш ва ўз вақтида сотиш имконияти бўлмаса, мўл ҳосил ҳам юқори даромадни кафолатламайди. 2026 йил 12 май ҳолатига кўра, мамлакатда 1,5 миллион тонна сиғимга эга сақлаш омборлари ва 3,5 миллион тонна маҳсулотни қайта ишлаш қуввати мавжуд. 2026 йил июлида эса йил якунига қадар жами 87 минг тонна сиғимли яна 340 та совитиш омборини ишга тушириш вазифаси белгиланди. Бу — катта ресурс.

Энди асосий савол: унинг қанчаси самарали ишлаяпти? Қайси туманда қандай омбор мавжуд? Унинг бўш қуввати қанча? Қайси маҳсулотни қандай ҳароратда сақлаш мумкин? Хизмат нархи қанча? Қайси қайта ишлаш корхонасига қандай хомашё зарур?

Шу маълумотларни қамраб олган ягона очиқ электрон харита фермер учун янги омбор қуришдан кам аҳамиятли эмас. Натижани баҳолашда ҳам “қанча қувват яратилди?” деган савол билан чекланмай, “қувватнинг неча фоизи ишлатилди ва қанча маҳсулот йўқотилишининг олди олинди?” деган мезонга ўтиш шарт.

Мезон — фермер даромади

Ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришнинг яна бир воситаси — шартномавий етиштириш. Фермер мавсум бошланишидан олдин қайта ишловчи корхона, экспортчи ёки савдо тармоғи билан маҳсулот тури, ҳажми, сифати ва харид шартларини келишиб олса, унинг таваккал хавфи камаяди. Харидор эса келгуси хомашё ҳажмини олдиндан режалаштиради. Аммо бу механизмнинг ишлаши учун шартнома икки томон учун ҳам ҳақиқий кафолат бўлиши лозим.

Шу мақсадда асосий сабзавот турлари учун соддалаштирилган намунавий контрактлар, маҳсулотни қабул қилмаслик ёки етказиб бермаслик ҳолатларида тезкор низо ҳал қилиш тартиби, шунингдек, суғурта ва қисман олдиндан молиялаштириш механизмларини кенг қўллаш мумкин. Бу фермер учун “ҳосилни қаерга сотаман?” деган саволни экишдан кейин эмас, ундан олдин ҳал қилиш имконини беради.



Еттита муҳим қадам

Соҳадаги муаммоларни ҳал этиш учун янги йирик идора тузиш ёки маъмурий режалаштиришни тиклаш шарт эмас. Мавжуд тузилма ва маълумотларни ягона натижага йўналтиришнинг ўзи катта ўзгариш бериши мумкин.

Биринчидан, сабзавотчиликка ихтисослашган ҳар бир ҳудуд учун ишлаб чиқариш паспортини шакллантириш зарур. Хусусан, ер ва сув имконияти, асосий экинлар, ўртача ҳосилдорлик, уруғга эҳтиёж, омбор, қайта ишлаш ва сотув каналлари ягона ҳужжатда акс эттирилиши лозим.

Иккинчидан, асосий 5-7 та маҳсулот бўйича экиш мавсуми олдидан талаб-таклиф прогнозини очиқ эълон қилиш. Бунинг учун янги статистика тўплаш эмас, идораларнинг бор маълумотини бирлаштириш кифоя.

Учинчидан, маҳаллий селекция ва уруғчилик бўйича аниқ натижа мезонларини белгилаш: сертификатланган уруғ билан қамров, ҳосилдорликка таъсир ва фермер таннархидаги ўзгариш.

Тўртинчидан, ихтисослашган туманлардаги муассасалар кесимида фермерга тупроқ, сув, озиқлантириш ва ўсимлик касалликлари бўйича тезкор хизмат кўрсатадиган агросервис нуқталарини кўпайтириш.

Бешинчидан, сақлаш омборлари ва қайта ишлаш корхоналарининг жойлашуви, бўш қуввати ва хизмат шартларини кўрсатадиган очиқ электрон базани ишга тушириш.

Олтинчидан, қайта ишловчи ва савдо тармоқлари билан контракт асосида етиштириш улушини ошириш, намунавий шартнома ва низоларни тез ҳал қилиш механизмини жорий этиш.

Еттинчидан, ҳудуд ва тармоқ раҳбарлари фаолиятини фақат ялпи ҳосил билан эмас, ҳосилдорлик, таннарх, фермернинг соф даромади, маҳсулот йўқотилиши ва сув самарадорлиги бўйича ҳам баҳолаш.

Бу таклифларнинг муҳим жиҳати шундаки, улар катта маъмурий ислоҳот эмас, мавжуд тизимнинг ишлаш мантиғини ўзгартиришга қаратилган.

Ўзбекистонда сабзавотчилик учун имконият катта. Масала энди бу салоҳиятнинг мавжудлигини исботлашда эмас, балки уни барқарор даромад ва рақобатбардош ишлаб чиқаришга айлантиришда. Бунинг учун сифатли маҳаллий уруғ зарур. Сувдан тежамкор фойдаланиш лозим. Илм ва агросервис фермерга етиб бориши керак. Фермер бозор талабини экишдан олдин билиши шарт. Қолаверса, етиштирилган маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш тизими ишлаб туриши даркор.

Энг муҳими, соҳанинг муваффақияти “қанча тонна ҳосил олдик?” деган биргина савол билан эмас, “фермер қанча даромад олди ва шу натижани келаси йили ҳам такрорлай оладими?” деган мезон билан баҳоланиши лозим. Шунда сабзавотчиликдаги ўсиш рақамлардаги мавсумий натижа бўлиб қолмайди. У уруғдан бозоргача бўлган яхлит занжирга, фермер манфаатига ва замонавий технологияга таянган барқарор тизимга айланади.

ШИНЖОН ТАЖРИБАСИ: ҲОСИЛДОРЛИК ОШИБ, ХАРАЖАТ ҚИСҚАРДИ

Фарғона вилоятида пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. Мавсум аввалгиларидан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Энди аксарият пахта далаларига ҳашарчи-теримчилар эмас, балки пахта териш машиналари жалб этилди.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигидаги ҳаётбахш ислоҳотлар туфайли соҳага илм-фан, янги техника ва технологиялар кириб келди. Деҳқонлар манфаатдорлиги ошди. Чигит экиш, парваришлаш агротехникаси ўзгарди. Истиқболли янги хорижий пахта навлари экила бошлади. Натижада юқори ҳосил олиш, хомашё сифатини ошириш имконияти кенгайди.

Жумладан, Ёзёвон туманидаги “Мезон“ фермер хўжалигида ҳам Шинжон тажрибаси асосида 115 гектар ерда қўшқатор, плёнка остида томчилатиб суғориш тизимига асосланган усулда пахта етиштирилди. Ҳосил мўллигидан дарак бериб турган пахтазорга қараб кўз қувнайди. Айтишларича, шу кунгача Марказий Фарғона еридан, нари борса, 25 центнердан ҳосил олинган. Соҳага илм-фан, янги нав ва технологиялар жорий этилгач, ҳосилдорлик уч ҳисса ошди.

— Авваллари шунча майдондаги ҳосилни териб олиш учун 500 га яқин теримчи, ортиқча вақт, маблағ талаб этиларди, — дейди фермер Воҳиджон Обидов. — Энди ҳосилни машиналар ёрдамида териб оляпмиз. Бу қўлда терилганга нисбатан анча самарали. Масалан, бир гектардаги ҳосилни қўлда териб олиш учун ўрта ҳисобда 20 миллион сўм талаб этилади. Машиналар ёрдами билан эса 5 миллион сўм атрофида бўлади. Қолаверса, битта терим машинаси билан кун давомида 8-10 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олиш имконияти бор. Бу кўрсаткич 115 гектар майдонга нисбатан олинганда манфаатдорлик салмоғини чамалаш қийин эмас. Дастлабки натижаларимиз қувонарли. Гектаридан 80 центнердан ҳосил оляпмиз. Бу — мавсумда 5 миллиард сўмдан зиёд даромад олиш дегани. Мавсум олдидан лизинг асосида замонавий пахта териш машиналарини харид қилдик. Бугунга қадар умумий қиймати 20 миллиард сўмлик замонавий техника паркини ташкил этганмиз. Бу эҳтиёжимиздан ортиб, бошқа фермерларга хизмат кўрсатиш орқали қўшимча даромад топиш имконини ҳам беряпти.

Хўжаликнинг экин ери шу пайтга қадар сув насоси ёрдамида суғорилган. Бу электр энергияси учун катта харажат, ортиқча ишчи кучи талаб қиларди. Янги мавсумда қўёш панелларидан фойдаланилди. Натижада сув етказиб бериш билан боғлиқ чиқим миқдори 150 миллион сўмга камайди.

— Бу йил 172 гектар майдонда янги технология асосида маҳаллий “С-6775” навли пахта етиштирдик, — дейди “Фар Зулфиқор” фермер хўжалиги иш юритувчиси Киборжон Ёқубов. — Қўшқатор усулида, плёнка остида пневматик сеялка билан доналаб чигит экиш ҳисобига ҳар гектардан 20-25 килограмм уруғлик чигит иқтисод қилинди. Плёнка тўшамаси герметик ёпилиши туфайли бегона ўт босмайди, чопиқ қилишга эҳтиёж қолмайди. Натижада техника, ёнилғи-мойлаш материаллари ва қўл меҳнати учун сарфланадиган маблағ тежаб қолинмоқда. Томчилатиб суғориш эвазига сув сарфи сезиларли камайди. Минерал ўғит тежалди. Очиқ майдонда экилган пахтага нисбатан 10-15 кун эрта етилди.

Бу йил Фарғона вилоятида 72 минг гектар ерда пахта етиштирилди. Ҳосилни қисқа муддатда териб олиш учун 300 дан ортиқ терим машинаси жалб этилган.

— Жорий мавсумда 62 минг гектар майдонга Хитойдан келтирилган ғўза навлари ҳамда 23 минг гектарда Шинжон технологияси асосида плёнка остида ҳосил етиштирилди, — дейди Фарғона вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Алибек Турсунов. — Хориж навлари билан бирга, “С-8290”, “Равнақ-2”, “С-6775”, “Наманган-77” сингари маҳаллий навлар ҳам янги технология асосида парваришланди. Бу ишлар учун 173 та юқори унумли чигит экиш механизми олиб келинган. Янги сеялкалар тежамкорлиги ва юқори самарадорлиги билан ажралиб туради. Улар чигит экиш билан бирга экин майдонларини азотли ўғитлар билан озиқлантириш, плёнка остига томчилатиб суғориш қурилмаларини ётқизиш каби хусусиятларга эга.

Фарғона шаҳрида Хитойнинг “Shandong Swan Cotton Industrial Machinery Stock Co. Ltd” компанияси билан пахта териш агрегатлари йиғиш, сервис кўрсатиш, механизаторлар учун ўқув маркази ташкил этилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган терим агрегатларига талаб йилдан йилга ортиб бормоқда. Сабаби, иш унумдорлиги юқори, тезкор ва бошқаришга қулай. Терим агрегатлари 20 фоизли дастлабки тўлов билан 10 йил муддатга лизинг ва 15 фоизли субсидия асосида етказиб бериляпти.

Деҳқоннинг елкасига офтоб тегди. Пахта ҳосилдорлигини ошириш борасидаги истиқболли лойиҳалар нафақат хомашё етиштириш, балки қўшилган қиймат занжири яратиш ва янги иш ўринлари очиш имкониятларини ҳам кенгайтирди. Фикримизни кейинги ўн йилда Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида 2435 та истиқболли лойиҳа амалга оширилиб, 2,1 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилингани ҳам тасдиқлайди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Раҳматилла ШОДМОНОВ олган сурат.



Акс садо

СЎЗГА ҲУРМАТ — БАРЧАМИЗГА ДАХЛДОР

Ахборот асрининг имкониятлари шу қадар кенгайиб кетдики, бундан ҳайратланмай иложингиз йўқ. Виртуал олам инсониятни тобора ўз домига тортиб бормоқда: ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар бу оламнинг асоси, туб заминига айланиб улгурди.



Шаҳло ҒАНИЕВА,
Тошкент амалий фанлар университети талабаси

Ахборот алмашинуви учун бир неча сония кифоя. Ёзишмалар жадаллик билан бир инсондан иккинчисига етиб боради. Аммо ёзувларга бир кўз ташланг-а! Адабий тил нормаларига умуман риоя қилинмайди. Сўзларни қисқартириб ёзиш, имловий хатоларга тўла жумлалар кишининг ғашига тегади. Сўзларнинг атайлаб қисқартирилиши, лотин ва кирилл ҳарфларининг аралаш қўлланиши, нотўғри ёзиладиган пойинтар-сойинтар жумлалар, тиниш белгилари қўйилмаслиги — буларнинг қайси бирини санайлик?

YouTube платформасига жойланаётган видеолар ҳар куни қанчадан-қанча кўрилишлар йиғади ва уларнинг остида муносабат тариқасида ёзилган гапларни ўқийсиз. Ижтимоий тармоқларда муносабат билдирадиганлар кўп. Аммо уларнинг ёзувларига кўз югуртирсангиз, ғиж-ғиж хатоларга кўзингиз тушади. На имло қоидаларига, на жумлаларнинг услубий қурилишига, на тиниш белгиларига эътибор берилмасдан ёзилган бундай изоҳлар сон-саноқсиз.

Йиғилишларда “Тил — миллат кўзгуси, унинг тарихи, хотираси, маънавияти ва миллий ўзлигини ифода этувчи буюк қадриятдир”, деб кўп гапирамиз. Инсоннинг ўз тилига муносабати унинг тафаккури, дунёқараши, маданий ва маънавий савияси билан ўлчанади. Ҳар бир халқнинг тарихи, урф-одатлари, орзу-интилишлари ва миллий руҳи унинг она тили орқали намоён бўлар экан, нима учун биз хато ёзиш “урф”и қурбонига айланишимиз керак?

Бугунги кунда рақамли технологиялар ҳаётимизни тубдан ўзгартириб, кўплаб муш-кулларимизни осон қилмоқда. Бунинг афзалликларини, албатта, тан олишга мажбурмиз. Лекин “Биз техника асрида яшаяпмиз, тил масаласи биз учун иккинчи даражали”, дейишга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Мессенжердаги оддий ёзишмада йўл қўйилган ҳар бир имло хатосини фожиа сифатида қабул қилиш шарт эмас дейдиганларнинг фикрига эса умуман қўшилиб бўлмайди. Айниқса, ижтимоий тармоқларда давлат тилига нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш керак. Чунки ҳар биримиз ҳар куни рақамли тармоқлардан фойдаланамиз. Зеро, тил — тирик ҳодиса. У доимо ривожланади, бойийди, янги тушунча ва атамалар билан тўлдириб борилади. Айрим сўзлар эса вақт ўтиши билан истеъмолдан чиқиб кетади.

Интернет тилини бутунлай салбий ҳодиса деб баҳолаб бўлмайди. У замонавий мулоқотнинг ўзига хос кўриниши сифатида тилнинг янги имкониятларини ҳам намоён этмоқда. Муаммо интернетда янги сўзлар пайдо бўлаётганида эмас, балки она тилимизга нотўғри муносабат шаклланиши ва имло қоидаларига бепарволик салбий одатга айланиб бораётганидадир.

Биздан кейинги авлод нима қилади, шу ҳақда ўйлаб кўрамизми? Биздан нима қолса, уларга шу мерос бўлиб ўтади: матнми, ёзувми, электрон ҳужжатми ёки тасвирми — барчасини бор ҳолича қабул қилади. Агар биз хато ёзишдан андиша қилмасак ва бунга одатланиб қолсак, келажак авлодга ғиж-ғиж хатолардан иборат “ёзув маданияти”ни мерос қилиб қолдирамизми? Ахир ёзган матнига қараб, инсоннинг сўз бойлиги, фикрлаш тарзи, билим даражаси ва саводхонлиги ҳақида муайян хулосага келиш мумкин.

Она тилимизни асраш фақатгина тилшунослар, филологлар ёки ўқитувчиларнинг вазифаси эмас. Бу — ҳар биримизга дахлдор масъулият. Хабар ёзаётганда ҳам, фикр билдираётганда ҳам, реклама ёки эълон тайёрлаётганда ҳам сўзга ҳурмат билан қарайлик. Сўзларни қисқартириб ёзишдан қочайлик. Зеро, бехато имло асл юзимизни, савиямиз қандайлигини ва саводхонлик даражамизни кўрсатиб беради.



Таянч нуқта

ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАРГА ФИДОЙИЛИК БИЛАН ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Президентимиз 30 сентябрда устоз ва мураббийлар билан учрашди. Ана шу тарихий воқеани умрининг 45 йилини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган муаллим сифатида кучли ҳаяжон ва фахр билан кузатдим. Учрашувда айтилган фикрлар, келтирилган рақамлар ва илгари сурилган янги ташаббуслар ҳар бир ўқитувчи қалбидан жой олди. Қалбим тубидан бодраб чиқаётган қувонч, фахр, шукроналик онлари қўлимга қалам ушлашга ундади.





Ҳамиджон РАҲИМОВ,
Олтиариқ туманидаги ихтисослаштирилган мактаб директори, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси

Мамлакатимиз етакчисининг **“Ўқитувчи — меҳр дарёси, ўқитувчи — эзгулик булоғи, ўқитувчи — маърифат қуёши!”**, деган сўзлари ҳар бир педагог қалбида юксак туйғуларни уйғотди. Дахлдорлик ҳиссини оширди. Айниқса, бугун сунъий интеллект ва рақамли технологиялар инсон ҳаётини жадал ўзгартираётган бир пайтда давлатимиз раҳбари ҳеч бир технология боланинг қалбига устоздек йўл топиб, унга Ватанга муҳаббат ва масъулият туйғусини сингдира олмаслигини таъкидлагани ўқитувчи меҳнати қанчалик қадрли эканини кўрсатади.

Болаларимиз пахта даласидан мактаб партасига, ўқитувчилар таълим жараёнига қайтарилгани ҳақидаги гаплар ортида катта ҳаётий ҳақиқат мужассам. Ўқитувчининг ойлик маоши кам эди. Шу ҳам ўз вақтида берилмасди. Боз устига, эрта баҳордан кеч кузгача даладан чиқмасди. Ҳа, ўқитувчилар энг камситилган касб эгаси эди.

Янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг илк кунлариданоқ устозларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, таълим-тарбия сифат ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Таълимдаги манзара тубдан ўзгарди. Буни рақамлар ҳам аниқ кўрсатиб турибди. Масалан, кейинги ўн йилда 1 миллион 800 минг ўринли боғчалар ва 1,5 миллион ўринли мактаблар барпо этилиб, 10 мингдан зиёд таълим муассасаси замонавий кўринишга келтирилди. Ярим аср мактабда ишлаётган ўқитувчи сифатида бундай ўзгаришлар қадрини жуда яхши ҳис қиламан.

Учрашувда ўқитиш мазмуни ва сифати алоҳида тилга олинди. Бу ниҳоятда муҳим ёндашув. Чунки мактаб фақат чиройли бинодан иборат эмас. У билим ва тарбия, тафаккур, устоз ва шогирд ўртасидаги маънавий ришта боғланадиган стратегик ҳудуд бўлиши керак. Бу жараёнлар ўзим меҳнат қилаётган Олтиариқ тумани ихтисослаштирилган мактаби фаолиятида ҳам намоён бўлмоқда. Аввало, таълим ва тарбияни бир-биридан ажралмас жараён деб қабул қилдик. Таълим орқали ақл ва билимни бойитиш, тарбия орқали эса одоб-ахлоқ ва маънавиятини шакллантиришга уриняпмиз. Натижада ўқувчиларимиз турли олимпиадаларда, миллий ва халқаро танловларда муносиб иштирок этмоқда. Мактабимиз 2021 йилда “Замонавий мактаб” мақомига эга бўлди. “Энг яхши хорижий тилни ўқитадиган мактаб” танловининг туман ва вилоят босқичи ғолиблари қаторидан жой олди. 2024-2025 ўқув йилида 41 битирувчимиз юз фоизли натижа билан олий таълим муассасаларига қабул қилинди. Булар яратиб берилган катта имкониятлардан самарали фойдаланаётган устозларимиз меҳнатининг амалий маҳсули, болаларга фақат маълумот бериш билан чекланмай, уларни мустақил фикрлайдиган шахс қилиб тарбиялашга қаратилган ёндашувлар меваси.

Ўқитувчи ўз устида ишласа, малакасини оширса, натижа кўрсатса, меҳнати рағбатлантириляпти. Менимча, ёшлар учун ўқитувчилик касбининг жозибадорлигини оширишда бу ёндашув катта аҳамиятга эга. 30 сентябрь куни илгари сурилган янги ташаббуслар педагогларга яратиладиган имкониятларни янги босқичга олиб чиқди. Миллий сертификатга эга ўқитувчиларга 50 фоиз устама тўлаш, ҳар йили 208 та туман ва шаҳардаги етакчи муаллимларни мукофотлаш, минг нафар педагогни ҳар йили хорижга стажировкага юбориш, олимпиада ғолибларини тайёрлаган устозларга тўғридан тўғри олий малака тоифасини бериш белгиланди. Шунингдек, янги ўқув йилидан 100 та мактабда математика, информатика ва табиий фанларни айрим синфларда тўлиқ инглиз тилида ўқитиш, мазкур лойиҳадаги педагогларга 100 фоиз устама белгилаш кўзда тутилмоқда. Бундай имкониятлар ўқитувчини изланишга, тил ўрганишга, ўз малакасини оширишга ундайди.

Яна бир диққатга сазовор ташаббус ўқитувчилар малакасини ошириш тизимида мажбурий бир ойлик курслар ўрнига касбий ривожланиш ваучерлари жорий қилиниши бўлди. Янги тартибга кўра, педагог ўз эҳтиёжи ва натижасига қараб, 18 соатдан 72 соатгача бўлган ўқув дастурини ўзи танлайди. Мен кўп йиллар таълим тизимида ишлаган педагог сифатида бу ёндашувни алоҳида аҳамиятли деб биламан. Чунки ҳар бир ўқитувчининг эҳтиёжи ҳар хил. Кимгадир ахборот технологиялари керак, бошқасига замонавий педагогик методика, бошқа бирига эса чет тил ёки ўз фанининг янги йўналишлари зарур. Муаллимга ўз касбий ривожланиш йўналишини танлаш имкони берилиши унинг масъулиятини ҳам оширади.

Учрашувда таълимнинг барча бўғинларидаги илғор педагоглар учун Абдулла Авлоний номидаги алоҳида давлат мукофотини таъсис этиш таклиф қилингани катта рамзий ва маънавий аҳамиятга эга. Устозлар учун алоҳида давлат мукофоти таъсис этилиши маърифатпарвар аждодларимизнинг орзу-мақсадлари ва янги Ўзбекистон таълим сиёсатининг маънавий уйғунлигини кўрсатади.

Бир нарсани яхши англайман: таълимда эришилган ҳар қандай натижа марказида ўқитувчи туради. Мактаб қуриш, энг замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, яхши дарсликларни олиб келиш мумкин, лекин синфга ўз касбини севадиган, бола қалбига йўл топа оладиган, билимли ва фидойи муаллим кирмаса, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Шу маънода, Президентимизнинг **“Устозни эъзозлаш бир касб эгасини эмас, бутун бир миллат келажагини эъзозлаш деганидир”**, деган фикри тарихий учрашувнинг энг муҳим ғояларидан бири бўлди. Бу ҳар биримизнинг зиммамизга масъулият юклайди. Давлат таълимга шароит яратаётган экан, педагог унга билим ва фидойилик билан жавоб бериши керак. Устозга эътибор ортган экан, устоз ҳам ўз устида янада кўпроқ ишлаши, изланиши, шу номга муносиб бўлиши шарт. Имкониятлар кенгайган экан, натижа ҳам шунга яраша бўлиши зарур.

Ишончим комил, устоз қадрланган, илм улуғланган ва таълим давлат сиёсати даражасида устувор юртда тараққиётнинг пойдевори ҳамиша мустаҳкам бўлади.



ТИЛ БИЛГАН ИНСОН ЮРТИНИ ДУНЁГА НАМОЁН ЭТА ОЛАДИ



Мулоҳаза

“Бугун дунёда бир-биридан узоқда жойлашган халқларни нима яқинлаштиряпти?” деган саволга турлича жавоб бериш мумкин. Технология, интернет, саёҳат, таълим, иқтисодий алоқалар... Аммо буларнинг барчасини боғлаб турадиган энг муҳим воситалардан бири — тил. Айниқса, инглиз тили бугунги глобал мулоқотнинг муҳим воситасига айланган. Дунё бир-бири билан айнан шу тилда фикр алмашмоқда, олимлар илмий изланишларини шу тилда тақдим этмоқда, талабалар хорижий университетларда таълим олмоқда, тадбиркорлар халқаро ҳамкорлик ўрнатмоқда.



Чарос ҲАМРОЕВА,
Шаҳрисабз давлат педагогика институти доценти вазифасини бажарувчи, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Шу ўринда бир савол туғилади: биз инглиз тилини фақат дунёни билиш учун ўрганамизми ёки дунёга ўзимизни танитиш учун ҳам ундан фойдалана оламизми? Менимча, бугунги ёшлар олдида турган муҳим вазифалардан бири инглиз тилини ўз миллий маданиятимизни дунёга танитиш воситасига айлантиришдир.

Чет тилни ўрганиш ҳақида гап кетганда, кўпинча “инглиз тилини билсам, яхши иш топаман”, “хорижда ўқийман”, “халқаро имтиҳондан юқори балл оламан” деган мақсадлар тилга олинади. Албатта, булар жуда муҳим. Лекин тил билишнинг бундан-да катта имконияти бор.

Тасаввур қилинг: хорижлик сайёҳ Регистон майдонини томоша қилиб, ёнидаги ёш ўзбекдан бу маскан ҳақида сўради. У инглиз тилини яхши билади. Аммо у фақат “This is Registan. It is very old”, дейиш билан чекланиб қолса, суҳбат имконияти бой берилади. Агар у Регистоннинг тарихи, бу ерда илм-фан ва маданият ривожланган даврлар, Мирзо Улуғбек, мадрасалар, меъморий безакларнинг ўзига хослиги ҳақида содда ва равон инглиз тилида гапириб бера олса-чи? Шунда инглиз тили шунчаки хорижий тил бўлиб қолмайди. У миллий меросимизни дунёга олиб чиқадиган кўприкка айланади. Бугун бизга ана шундай ёшлар керак.

Ўзбекистонга келган сайёҳ мамлакатимиз ҳақида китобдан, интернетдан ёки гид орқали маълумот олиши мумкин. Аммо унинг ўзбек халқи ҳақидаги энг ёрқин таассуроти кўпинча оддий инсонлар билан мулоқот жараёнида шаклланади.

Меҳмонни кутиб олаётган мезбон, аэропортдаги ходим, меҳмонхонадаги администратор, музейдаги гид, университет талабаси ёки кўчада йўл кўрсатаётган ёш — уларнинг ҳар бири муайян маънода мамлакатимизнинг “жонли вакили”. Демак, тилни билиш фақат грамматик қоидаларни ўзлаштириш эмас. Бу ўз юртингиз ҳақида бошқаларга тўғри, чиройли ва таъсирчан гапира олиш қобилияти ҳамдир.

Масалан, “маҳалла” сўзини инглиз тилида қандай тушунтирамиз? Уни шунчаки “neighborhood” деб таржима қилиш билан мазмун тўлиқ очилмайди. Чунки маҳалла бизда фақат географик ҳудуд эмас. Унда қўни-қўшничилик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам, маросимлар, ижтимоий муносабатлар каби тушунчалар мужассам.

Ҳудди шунингдек, ҳашар, меҳмондўстлик, бешик тўйи, Наврўз, маҳалла каби тушунчалар ортида ҳам оддий таржимадан анча кенг маданий мазмун бор.

Ана шу маъноларни тушунтира олиш тил билишнинг юқори босқичидир. Паловни таржима қилиш осон, унинг маъносини-чи? Бир қарашда бу оддий саволдек туюлади.

Ўзбек паловини инглиз тилида “plov” ёки “pilaf” дейиш мумкин. Лекин паловнинг ўзбек ҳаётидаги ўрнини битта сўз билан ифодалаб бўлмайди. Палов — дастурхондаги таом бўлиш билан бирга меҳмондўстлик, байрам, оилавий йиғин, тўй, дўстлик ва ҳамжиҳатлик билан боғлиқ тушунча.

Нон ҳам кундалик ҳаётимизда оддий озиқ-овқат маҳсулотидан кўра кенгроқ маънога эга. Нонни қадрлаш, уни ерга ташламаслик, дастурхонга ҳурмат билан қўйиш каби қарашлар халқимиз қадриятлари билан боғлиқ. Демак, бошқа тилга сўзларни таржима қилишнинг ўзи етарли эмас. Маданий маънони ҳам таржима қилиш керак. Бу эса тил ўрганувчидан нафақат луғат бойлигини, балки ўз маданиятини чуқур билишни ҳам талаб қилади. Дунё тилини ўрганиб, ўз тилимизни унутмаслигимиз керак.

Баъзан чет тилни ўрганаётган ёшлар “инглиз тилида яхши гапириш учун инглизча фикрлаш керак” деган қарашни илгари суради. Бунда жон бор. Бироқ бошқа бир жиҳатни ҳам унутмаслик керак: дунё тилини ўрганиш ўзлигимиздан узоқлашиш дегани эмас. Аксинча, инсон ўз маданиятини қанчалик яхши билса, уни бошқа тилда шунчалик мазмунли тушунтира олади. Инглиз тилида “hospitality” сўзини билиш бир масала. Ўзбек меҳмондўстлигининг мазмунини шу сўз ёрдамида хорижликка тушунтириб бера олиш эса бошқа масала.

“Respect” сўзини билиш осон. Аммо биздаги каттага ҳурмат, кичикка иззат тушунчаларининг оиладаги ва жамиятдаги ўрнини тушунтириш учун ҳаётий мисоллар керак. Шунинг учун хорижий тил таълимида “Мен инглиз тилида ўзбек маданияти ҳақида нима дея оламан?” деган савол ҳам муҳим ўрин эгаллаши керак. Бугунги таълим жараёнида инглиз тили дарсларини янада ҳаётий қилиш имкониятлари кўп.

Ҳозирги ёшларнинг имкониятлари аввалги авлодникидан тубдан фарқ қилади. Улар YouTube орқали дунёни кўради, халқаро платформаларда мулоқот қилади, хорижлик талабалар билан танишади, онлайн курсларда, халқаро лойиҳаларда иштирок этади.

Биргина телефон орқали Ўзбекистон ҳақида дунёнинг исталган нуқтасидаги инсонга маълумот бериш мумкин. Демак, бугунги ёш фақат ўз мамлакатининг фуқароси эмас, у муайян маънода миллий маданиятнинг рақамли вакили ҳамдир.

Самарқанднинг ижтимоий тармоққа жойлаштирилган манзараси, ўзбек миллий таоми ҳақида инглизча пост, Наврўз байрами ҳақида тайёрланган қисқа видео ёки Шаҳрисабзнинг тарихий обидалари ҳақида хорижий тилдаги мақола — буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқаро ахборот майдонидаги кичик, аммо муҳим тақдимотидир. Шундай экан, ёшларимизга “Чет тилни ўрганинг”, дейиш билан бирга, “Чет тилда Ўзбекистон ҳақида гапиринг”, дейиш ҳам керак. Аслида, ўзимизни бошқаларга танитишдан олдин ўзимизни англашимиз керак. Бир ҳақиқат бор: инсон ўз тарихини, маданиятини, қадриятларини яхши билмаса, уларни ўзга тил орқали бошқаларга тўлақонли тушунтира олмайди. Шу боис, хорижий тил таълими миллий маданият таълими билан уйғунлашиши лозим. Талаба қадимий ва замонавий шаҳарларимиз тарихини ўрганиши, обидаларимиз ҳақида билиши, маданий меросимизни англаши, ўзбек адабиёти ва санъати ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак. Кейин эса ана шу билимларини чет тилда ифодалашга ҳаракат қилиши зарур. Бу жараёнда тил восита, миллий ўзлик эса мазмун бўлади.

Глобаллашув ҳақида гапирганда кўпинча “миллий қадриятларимизни асраш керак” деган фикрни эшитамиз. Бу, албатта, тўғри. Аммо миллийликни сақлаш дунёдан узилиб қолиш дегани эмас. Аксинча, бугун ўз қадриятларини дунёга танита олган халқнинг овози баландроқ эшитилади.

Ёшларимизга дунё тилларини ўргатишимиз керак. Шу билан бирга, уларга юқорида келтирилган талабларни ҳам уқтиришимиз зарур. Чунки тилнинг ҳақиқий кучи фақат сўзларни билишда эмас, шу сўзлар орқали ўз фикри, қадрияти ва маданиятини ифода эта олишда намоён бўлади.

Бугун чет тилни ўрганаётган ҳар бир ўзбек ёшининг қўлида катта имконият бор. У дунёни ўрганиши мумкин. Шу билан бирга, дунёга Ўзбекистонни ҳам танитиши мумкин. Зеро, дунё билан тенгма-тенг мулоқот қилишнинг энг ишончли йўли ўзликни англаган ҳолда, дунё тилида гапира олишдир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



Қадрият ва анъаналар

ЎЗЛИККА ҚАЙТИШ – БУЮК ВА ЎЗГАРМАС ЖАРАЁН

Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс барпо этиш узоқ муддатли улуғ мақсад сифатида белгиланиб, мана, ўн йилдирки, шу йўлда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан асослаб берилган ушбу стратегик йўлнинг маъно-мазмуни, мақсади ва устувор йўналишларига теран назар ташлар эканмиз, улар кўп жиҳатдан бундан бир аср муқаддам улуғ маърифатпарвар жадид боболаримиз бошлаган маърифий ҳаракатга уйғун ва ҳамоҳанг эканини кўрамиз.



Висола ҚАРШИБОЕВА

Дарҳақиқат, ана шу илғор интеллектуал элитанинг ўтган аср аввалида — ғоят мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда жамиятни модернизация қилиш, халқни жаҳолат ва зулм кишанларидан озод этиш, давлатчилик негизи билан бирга миллий ўзлик асосларини тиклаш ҳақидаги орзулари бугун реал воқелик, амалдаги қадриятлар сифатида ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, халқни бирлаштириш, тарқоқ аҳоли қатламларини ягона миллатга айлантириш учун барча замонда ҳам буюк ғоялар керак бўлган. Улар эл-улуснинг азалий орзу-умидлари, туб мақсад ва манфаатларини мужассам акс эттирган тақдирдагина жамиятни уйғотиб, уни катта бунёдкор куч, қудратли ижтимоий ҳаракатга айлантирган. Ҳозир биз интилаётган Учинчи Ренессанс ғояси айнан ана шу талабларга жавоб бериши билан ғоят муҳим. Биз бу ғоя тимсолида кейинги минг йил давомида ўзининг буюк бунёдкорлик салоҳияти, фидокорона меҳнати ва маънавий жасорати билан Биринчи ва Иккинчи уйғониш даврларига доялик қилган мард ва донишманд халқимизнинг асл бунёдкорлик қиёфасини бамисоли тиниқ кўзгуда кўргандек бўламиз. Ҳеч шубҳасиз, бу бизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди, томирларимизда ухлаб ётган минг йиллик куч-ғайрат, илм-маърифат ва ишонч туйғусини қайта уйғотгандек бўлади.

Ишга туширилганига ҳали бир йил ҳам бўлмаган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Бурҳониддин Марғиноний маърифий мажмуаларига халқимиз нима учун катта ҳавас ва қизиқиш билан қарамоқда? Чунки янги Ўзбекистон мўъжизалари деб баҳоланаётган бу меъморий дурдоналар қалбимиздаги илм-маърифатга, ўзликни англашга чанқоқ нуқталарга гўёки уч минг йиллик тарихимиз ва маданиятимиз бағридаги гиёҳлардан малҳам қўйгандек бўлди. Атоқли шоиримиз Омон Матжон айтганидек:

Ёлғоннинг тахтдаги минг йил даврони
Ҳақиқат айтилган бир дамча йўқдир.

Чиндан ҳам Ислом цивилизацияси маркази залларини бир марта айланиб чиқсангиз, ота-боболаримизнинг онгу тафаккурига асрлар давомида сингдириб келинган сохта гаплар бир зумда чиппакка чиқиб кетганини кўрамиз. Бу улуғ маърифат даргоҳидан бутунлай бошқа одам бўлиб чиқамиз. Ҳақ-ноҳақ, тарих ва маданият намуналари бизга ўзлигимизни, миллий ғуруримизни қайтариб бергандек бўлади.

Жаҳон адабиётининг мумтоз намуналарини, дейлик, Гулханий бобомизнинг “Зарбулмасал”идан тортиб, Пауло Коэлонинг машҳур асарларини оласизми — барчасида бир ғоя, яъни шахс фақат ўзликка қайтиш орқалигина бахт ва эркинликка эриша олиши таъкидланади. Олимларнинг қайд этишича, росмана донишмандлик ва қалб хотиржамлиги эса, аввало, ўзини билиш ва англашдан, кучли ва кучсиз жиҳатларини идрок этишдан бошланар экан. Мавлоно Румийнинг “Ичиндаги ичиндадур” деган иборада жам бўлган фалсафий қарашлари ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Қисқаси, Ўзбекистон истиқболи, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун замин бўладиган ғоявий-мафкуравий асосларни олис ўлкалардан ёки океан ортидан эмас, мана шу юртимиз тупроғидан, аждодларимизнинг эзгу интилишларидан, халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг бунёдкорлик қудрати ва салоҳиятидан излашимиз керак. Учинчи Ренессанс ғояси ҳам аслида барчамизни шунга — бахт ва тараққиёт формуласини ўз тарихимиздан излашга даъват этади.

Жадид боболаримизнинг мақсади не эди?

Ўтган аср бўсағасида Туркистон чуқур инқироз домида қолган эди. Чоризм империясининг мустамлакачилик зулми ва ички консерватив турғунлик исканжасида эзилиб ётган ўлка ўзининг асрлар давомида мисқоллаб йиғилган мустақил тарихий субъект сифатидаги қиёфаси ва белги-аломатларини ботмонлаб бой бераётган эди. Бу жараёнларнинг ҳалокатли оқибатларини олдиндан кўра билган маҳаллий зиёлиларнинг илғор қатлами қудратли ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий ҳодиса — жадидлик ҳаракатига асос солди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Фитрат, Исҳоқхон Ибрат, Чўлпон ўрта асрларга хос турмуш тарзини, эскирган ижтимоий муносабатларни тубдан модернизация қилмай



ривожлантирди. Туркистон иқтисодиётини жаҳон хўжалиги тизимига хомашё базаси эмас, балки тенг ҳуқуқли шерик сифатида интеграция қилишга интилди. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Самарқанд” газетасида чоп этилган мақоласидаги мана бу фикрлар ўз даври учун жуда катта аҳамиятга эга эди: “Туркистон меваси, донаси, тоши, туфроғи, эски нимарсалари Оврупо бозорига кетар. Муни Оврупо даллоллари келиб, оз баҳога олиб кетар, меҳнатни биз қилурмиз, фойдани улар кўрар. Ўз нимарсамизни Оврупо бозорига элтиб, яхши баҳога сотатурғон бизда бир одам йўқ. Азбаски, Оврупо ила савдо қилатурғон кишини (ўзи) аввал ўн сана замона илмини ўқумоғи лозим. Бизда шоҳи, адрас, беқасам, алоча... бофликлар бор. Агарда бир нафар техник ва муҳандисимиз бўлса, бу дастгоҳларни ислоҳ этар, аҳоли обод бўлур. Валлоҳ, яқин вақтда “дока” бофилларимиздек зоеъ бўлиб кетар. Чунки Оврупо янги асбоб ила мундин яхши қилиб чиқорур”.

Учинчи масала — давлат ва ҳуқуқий онгни тадрижий ўзгартириш. Жадидлар фуқаролик жамиятининг дунёвий институтларига доир концепцияни шакллантирди, қонун устуворлиги, ҳуқуқлар тенглиги ва матбуот



эркинлиги учун курашди. Улар нашр эттирган “Садои Туркистон”, “Ойина”, “Нажот” каби нашрлар очиқ ижтимоий-сиёсий мулоқотнинг илк майдонига айланди. Абдулла Қодирий “Йиғинди гаплар” мақоласида ўша даврдаги аҳволни аччиқ кулги остига олиб, “...Дарҳақиқат, мамлакатда ислоҳотга муҳтож масалалар кўбдир. Масалан, катталарга ақл ва басират ислоҳоти,... ёшларға ахлоқ ва кийим, хотинларга жабру зулм, домлаларға дин ва салла,... ва ҳоказо ислоҳотларга ниҳоят даражада эҳтиёж кўбдир”, деб ёзади.

Аммо 30-йиллардаги қонли қатағон жадид етакчилари фаолиятига бутунлай барҳам берди. Миллат ойдинлари жисмонан йўқ қилинди, бироқ улар илгари сурган ғоялар халқнинг онгу тафаккури ва генетик кодида сақланиб қолди. Мана энди орадан бир аср ўтиб, у янгича қиёфада бўй кўрсатди. Бугунги Учинчи Ренессанс бу — жадид боболаримиз бошлаган, тарихий фожиалар сабабли тугалланмай қолган улуғ ишнинг янги ижтимоий уйғониш сифатида қайтадан юз кўрсатиши десак, хато бўлмайди.

Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар хронологиясига назар ташласак, нозик қонуниятни кузатишимиз мумкин. Бу жараёндаги кетма-кетлик америкалик машҳур руҳиятшунос Абраҳам Маслоунинг эҳтиёжлар пирамидасига уйғун бўлиб кўринади. Унга кўра, инсон ҳаётининг асосини физиологик эҳтиёжлар, яъни овқат, сув, уйқу ҳамда бошпана ташкил этади. Кейинги ўринда хавфсизлик эҳтиёжи туради. Буларга ҳимоя, барқарорлик, қонун ва эртанги кунга ишонч ҳам киради. Бу эҳтиёжлар таъминланганидан кейингина ижтимоий эҳтиёжларга ўрин берилади. Шундан сўнг ҳурмат ва инсоний қадр-қимматга эҳтиёж пайдо бўлади. Бу — эришилган ютуқларнинг эътироф этилиши, жамиятда ҳурмат-эътибор топиши ва ўз қадр-қимматини англаш демакдир. Энг охирги ўринда ўзини намоён қилиш, яъни шахсий салоҳиятни юзага чиқариш, ижод, эркин тафаккур ва ўз ҳаёт йўлини топиб олиш каби масалаларга эътибор қаратиш мумкин. Яъни биз орзу қилган онгли ва мамлакатни тараққиётга бошлайдиган жамиятни қуриш учун мана шу босқичлардан бирма-бир ўтишимиз керак.

Маслоу таъкидлаганидек: “Ўлар даражада оч одамни овқатдан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмайди. Унинг тушига овқат киради... Бошқа ҳар қандай мақсадлар — эркинлик, муҳаббат, ҳурмат, фалсафа арзимас матоҳга айланиб қолади”.

Ана шу асосида фикрласак, мамлакатимизда 2016 йилда бошланган демократик ислоҳотларнинг биринчи босқичи жамиятнинг энг бирламчи эҳтиёжларини қондиришга қаратилди деб хулоса чиқариш ўринлидек туюлади. Валюта конвертацияси, мажбурий меҳнатнинг бекор қилиниши, тадбиркорлик йўлидаги бюрократик ғовларнинг олиб ташланиши инсонга ўз қадр-қимматини қайтариб берди.

Албатта, кундалик сунъий тўсиқларни енгиш билан овора бўлган халқ технологик ва интеллектуал сакрашлар ҳақида ўйлай олмайди. Маърифатга эҳтиёж туғилиши учун, аввало, ижтимоий эҳтиёжлар таъминланиши шарт эди.

Минтақавий бирдамлик ва яхши қўшничилик: Амир Темур ўгити

Ҳеч бир Ренессанс дунёдан узилган ҳолда ёки ташқи таҳдидлар шароитида ривожлана олмайди. Шу маънода, Марказий Осиё давлатлари билан конструктив ва дўстона мулоқот тикланган янги Ўзбекистон учун иккинчи муҳим қадам бўлди. Мамлакатимиз улкан ирода, жасорат ва ташаббус кўрсатиб, минтақадаги интеграция жараёнининг локомотивига айланди. Бу сиёсат Амир Темурнинг ўз замонида шакллантирган давлатчилик тафаккури билан кўп жиҳатдан муштарак экани эътиборлидир.

“Темур тузуклари”да “Қўшнилар билан тинчлик ва тотувлик бўлмаган жойда савдо хонавайрон бўлади, мадрасаларда чироқлар ўчади, олимларнинг овози ўчади. Мулк фақат унинг атрофида тинчлик ва адолат ҳукм сургандагина мустаҳкамдир”, деб таъкидлайди. Бу бебаҳо фикрлар айнан бугунимиз учун айтилгандек.

Туркистон жадидларининг йўлбошчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам юрт равнақи учун халқаро муносабатларни ҳисобга олишнинг аҳамиятини таъкидлаб, “...50 сана муқаддамги замонда биз — туркистонлилар якка ва танҳо яшаб, бошқалар ила муомала ва муносабатимиз йўқ эди. Энди замон ўзгариб, бошқа миллатлар ила махлут бўлдук, шариат ва ўз урфимиз устига қонун ва Оврупо одатига итоат қилмоққа мажбурмиз”, дейди.

Машҳур геосиёсатчи Збигнев Бжезинский “Буюк шахмат тахтаси” асарида “Марказий Осиёнинг ҳақиқий кучи ер ости бойликларида эмас, балки минтақанинг ягона барқарорлик, савдо ва маданият майдонига айлана олиш қобилиятидадир”, деб минтақамиздаги бугунги ижобий жараёнларни олдиндан башорат қилгандек бўлади.

Президентимиз доим уқтириб келаётганидек, энг муҳими, юртимиздаги ислоҳотлар натижасини бугун одамларнинг кундалик ҳаёти, кайфияти, дунёқарашида яққол кўриш мумкин. Ёшларимизнинг нутқида чегара йўқлиги, ҳаётда маррани катта олаётганидан билиш мумкинки, Ўзбекистон инсоний жиҳатдан ҳам ривожланишнинг бутунлай янги босқичини бошдан кечирмоқда. Биз дунёга, илгари ўзимиз етолмаган имкониятларга очилдик, лекин шу билан бирга, жаҳонда кузатилаётган хавотирли вазиятлардан тўла ҳимояланган эмаслигимизни ҳам тан олишимиз керак.

Жадидлар нега айнан эркинлик ва озодликка интилган эди? Нега улар маориф ва матбуотни эркинликнинг ажралмас қисми деб билди? Чунки маърифатпарвар боболаримиз оддий бир ҳақиқатни чуқур англаб етган эди: эркинлик шунчаки сиёсий мақом эмас, балки инсон тафаккури, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқарадиган ижтимоий муҳит ҳамдир. Қарам ва тобе инсон ижод қила олмайди, кашфиёт яратолмайди, Ватанининг тақдири ва келажаги учун масъулиятни зиммасига ололмайди. Тобелик инсонни фақат маиший ва кўр-кўрона бўйсуниш даражасида ҳаёт кечиришга мажбур қилади.

Жадид намояндаларининг бой меросини архив тадқиқотлари доирасида қолдирмай, уларнинг маърифий кучидан ислоҳотлар жараёни ва ватанпарварлик тарбиясида фойдаланишда юқори даражадаги институционал кўмак муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз ташаббуси билан жадидлар фалсафаси замонавий қарорлар ва маданий трендлар тилига таржима қилинмоқда.

Глобал илмий мулоқот. Тошкентда ўтказилган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” халқаро конференцияси дунёвий ҳуқуқий давлат барпо этиш, сўз эркинлиги ва таълимни модернизация қилиш бўйича юртимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар жадидлар бошлаган йўлнинг давоми эканини яна бир бор тасдиқлади.

Тил ва алифбо ислоҳоти. Лотин графикасига асосланган ўзбек алифбосига доир ислоҳотни якунига етказишга қаратилган ташаббус глобал рақамли маконга тўлиқ интеграциялашув йўлида муҳим қадам бўлиб, ўз вақтида жадидлар тил бўйича ўтказган мунозаралар билан ҳамоҳангдир.

Маърифатни оммалаштириш. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан ташкил этилган “Жадидлар. Туркистонга мактублар” мультимедиали кўргазмаси тарихий хотира ва хорижда таълим олаётган ёшларни қўллаб-қувватлашга оид дастурлар ўртасида мустаҳкам кўприкдир.

Айни шундай ёндашув туфайли жадидлик ҳаракати, бой мероси фақат дарслик ва китоблардаги статистик қайдлардан иборат бўлиб қолмай, давлат тараққиётининг динамик брендига айланиши учун шароит яратилди.

Амалий ифода

Жадид боболаримизнинг орзу-армонлари бугун “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак барпо этамиз!” деган эзгу ғоя остида амалга оширилаётган ва яқин йилларга мўлжалланган ислоҳотларда ўз аксини топмоқда.

Кафолатли таълим ва келажак касблари. Мактабгача таълимда қамровни 100 фоизга етказиш, 1 миллион ёшни АТ ва замонавий касбларга ўқитиш ҳамда мамлакатимиз олий ўқув юртларини жаҳоннинг юқори рейтингларига киритиш — жадидларнинг маърифатчилик миссиясини давлат миқёсида давом эттиришнинг амалий ифодасидир.

Иқтисодий суверенитет. 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмини 300 миллиард долларга етказиш, иқтисодиётга 450 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш ва юқори даромадли минглаб иш ўринларини очиш орқали моддий мустақиллик асослари мустаҳкамланмоқда.

Ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлар. Маҳалла институтини модернизация қилиш, суд тизими мустақиллигини таъминлаш ва соғлиқни сақлашга ажратиладиган маблағларни ЯИМнинг 5 фоизига етказиш — аждодларимизнинг қонун устувор бўлган ва ижтимоий масъулиятли давлат ҳақидаги ғоялари бугун эволюцион, яъни тадрижий тарзда амалга оширилаётганидан далолат дейиш мумкин.

Ҳозир биз учун яна бир улуғ мақсад — Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишда асосий бунёдкор куч бўладиган, эркин ва озод фикрлайдиган авлодни тарбиялашдан иборат. Биз ёшларимизни буйруқ ва кўрсатмаларни кўр-кўрона бажарадиган пассив ижрочи эмас, балки мустақил фикрга эга, жаҳон стандартлари даражасида фикрлайдиган, ўз ҳақ-ҳуқуқи ва масъулиятини англайдиган комил инсон этиб камолга етказмоқчимиз. Президент мактаблари, АТ парклари, хорижда таълим олиш имкониятлари ва ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ислоҳотларнинг туб моҳияти ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилган.

Америкалик социолог Фрэнсис Фукуяма таъкидлаганидек, миллатнинг яшовчанлиги ва рақобатдошлиги унинг молиявий капитали билан эмас, балки ижтимоий ишонч даражаси ва институтлар сифати билан белгиланади.

Учинчи Ренессанс шунчаки шиор ёки мозийга эҳтиром эмас. Бу инсоннинг базавий эҳтиёжларини юксак даражада таъминлаш ва минтақада хавфсизликни мустаҳкамлашдан тортиб, фуқаролик субъекти сифатидаги миллий ўзлик туйғуси ва озод тафаккурни уйғотишгача бўлган йўналишларни қамраб оладиган узоқ муддатли ва пухта ишлаб чиқилган стратегиядир.

Жадид боболаримизнинг қора ўтмишдаги ўта фожиали даврда тўлиқ рўёбга чиқмай қолган орзу-армонлари янги Ўзбекистон шароитида амалга ошиб, ана шу стратегия асосида мустаҳкам институционал мақомда юксак босқичга кўтарилмоқда.

Биз — ёшлар бу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда бугунги буюк ва ортга қайтмас жараёнларнинг иштирокчиси эканимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Юртимизнинг миллионлаб ўғил-қизлари айни шундай фахр ва ишонч туйғуси билан дадил майдонга чиқаётгани мамлакатимизнинг улкан салоҳияти ва имкониятидан далолат беради.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 00:20 Топширилди — 01:00

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.